



# 1 октябрь – Үқитувчи ва мураббийлар кунида

үтказиладиган маънавий-маърифий  
тадбирлар учун

## ЭЛЕКТРОН УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА



РЕСПУБЛИКА МАЬНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ  
МАРКАЗИ

ИЖТИМОЙ-МАЬНАВИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ



# 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунида

ўтказиладиган маънавий-маърифий  
тадбирлар учун

ЭЛЕКТРОН УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент – 2022

**УЎК 21.512.133.09**

**КБК 83.3(5Ў)**

**Ў 61**

**Масъул мухаррир**

**О.Д.Давлатов,**

*Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти директори*

**Тузувчилар:**

М. Каҳарова, фалсафа доктори (*PhD*),

К.Тўраев, Х.Кучкаров, Н.Хусанова, Б.Баҳодиров

**Тақризчилар:**

Ш.Тўраев, ф.ф.н доц., И.Сувонов, ф.д. (*PhD*)

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунида ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлар учун электрон услубий қўлланма. [Матн]. – Тошкент: Faфур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2022. – 80 б.

Мазкур қўлланма давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда таълим муассасаларида 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлаб ўтказиладиган маънавий-маърифий тарғибот тадбирларида тарғиботчилар фойдаланишлари учун тайёрланди. Қўлланма ҳар бир соҳа раҳбар ва ходимлари, тарғиботчилар, талаба ҳамда ўқувчиларга, шунингдек, барча ташкилотлардаги маънавий-маърифий ишларга масъулларга мўлжалланган.

**УЎК 21.512.133.09**

**КБК 83.3(5Ў)**

**© Faфур Ғулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий  
уйи, 2022**

**ISBN 978-9943-7009-6-3**

## КИРИШ

Ҳар бир касб әгаси қайси бир соҳада меҳнат қилмасин, устоз ва мураббийларга эҳтиёж сезади. Аввалига мактабгача таълим муассасаси, кейин мактаб, навбати билан олий ўқув юртида устозлардан сабоқ олади. Ота-оналар эса бу борада ҳар бир инсоннинг бир умрлик устози. Уларнинг ўғитлари эса алоҳида мавзу. Фарзандлар таълим-тарбияси, ёш авлодни баркамол инсонлар этиб камолга етказишга алоҳида эътибор қаратиш халқимизга хос эзгу фазилатлардан. Халқимизнинг устоз отангдек улуғ, деган пурҳикмат нақлида ҳам ўқитувчи ва мураббийларга бўлган самимий тилаклари намоён. Халқимиз азалдан устозларини улуғлаган, хурмат қилган ва эҳтиром кўрсатган. Бугун ҳам шундай, аслида.

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни! Бу кун 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ўқитувчи ва мураббийлар кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонуни асосида байрам (дам олиш) куни деб эълон қилинган. Бу байрам, аввало, ўзининг билим ва тажрибаси, истеъдод ва маҳорати, инсоний фазилатларини, кўз нури ва қалб қўри, бутун борлигини аямасдан, маърифат йўлида беминнат хизмат қиласиган ўқитувчи ва мураббийларимизга нисбатан халқимизнинг азалий хурмат-эҳтиромининг яққол намунаси бўлиб келмоқда.

Ниятлари фақатгина ўқувчиларининг камолини кўриш бўлган азиз ва қадрли устозларимиз дил-

ларини хушнуд этиб, миннатдорчилик билдириш учун аслида маҳсус кунни байрам этиб белгиланиши уларга кўрсатилган янада юксак эътибордан дароқдир.

Мазкур қўлланма давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда таълим муассасаларида 1 октябрь – йўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлаб ўтказиладиган маънавий-маърифий тарғибот тадбирларида тарғиботчилар фойдаланишлари учун тайёрланди. Қўлланма ҳар бир соҳа раҳбар ва ходимлари, тарғиботчилар, талаба ҳамда ўқувчиларга керакли манба бўлиб хизмат қиласди. Шунингдек, қўлланма барча ташкилотлардаги маънавий-маърифий ишларга масъулларга ҳам мўлжалланган.

Қўлланмада ўқитувчи ва мураббийлар ҳақида маъруза, шеър, ҳикматли ибора ва бошқа маълумотлар баён этилган. Уни тайёрлашда адабиётлар ва интернетнинг расмий саҳифаларидан фойдаланилди.

## **ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР ҲАҚИДАГИ МАҚОЛАЛАР**

### **ҲАЁТ БОҒБОНЛАРИ**

Ўзбекистонда 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни. Бу кун юртимизда умумхалқ байрами сифатида нишонланади. Аслида ҳар бир кун устоз куни десак, тўғри бўлар эди. Инсон бор экан унинг илм йўлини ёритгувчи муаллими бўлади. Манбаларда “устоз отадек улуғ”, “устоз отадан улуғ” каби ўгитлар ҳақида баҳсли муносабатлар келтирилади. Аслида инсонни дунёга келтиришда ота ва онанинг хизмати бўлса, унинг онгу тафаккурини илм билан тўлдирувчи ва тўғри йўлга етакловчи – бу устоздир. Шу ўринда ҳазрат Навоийнинг “Ҳақ йўлинда ким санга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила” деган мисраларини эслаш ўринли. Сенга бир ҳарф ўргатдими, демак у устоз. Унинг ҳаққи юз ганж ила эканини уқтиради, Мир Алишер бобомиз.

Шу куни ҳар бир инсонга сабоқ берган, қўлига илк бора қалам тутқазган, ҳаёт сўқмоқларидан одимлаб боришида устозлик қилган ва бу вазифани айни дамларда ҳам шараф билан бажариб келаётган инсонларни касб байрамлари билан табриклишга қалблари ҳаяжонга тўла ўқувчилар, талабалар, шогирдлар ошиқади. Дилларидағи бор эзгу тилакларини изҳор этишади.

Устоз деганда, ҳар қайси инсон күнглида чуқур ҳурмат – эхтиром ва чексиз миннатдорлик туйғулари, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб ва адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади. Устозларимиз ўтити, кексаларимиз панд-насиҳатларига амал қилиб борсак, асло кам бўлмаймиз.

Устозлар ҳурмати борасида муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 21 июнь ўтказилган видеоселектор йиғилишидан “Ўқитувчини ҳурмат қилмаганни мен ҳам ҳурмат қилмайман”, деган эди. Бугунги кунга келиб, устоз ва мураббийларимизнинг жамиятдаги обрўсини янада оширишга эътибор кучайтирилди. Давлатимиз раҳбари инсон, аввало, унга билим ва маърифат дунёси сари йўл очиб берган, унинг қалбига юксак инсоний фазилатлар ҳиссини сингдириш йўлида заҳмат чеккан устоз ва мураббийларига нисбатан күнглида ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшаш лозимлигини кўрсатиб берди. “Жаҳонда бўлмаса муаллим агар, Ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар” дейилгани ҳам шундан.

Устозсиз юксакликка эришиб бўлмайди. Дунёда устознинг меҳнатидан оғир меҳнат йўқ. Мактаб даргоҳига илк қадам қўйганимизда қўлимиздан ушлаб, синф хонасига олиб кирган, ҳарф ўргатган ўқитувчимизнинг берган таълиму тарбияси сабаб ютуқларга эришмоқдамиз. Масалан, спорт остонасига қадам қўйган спортчини дунё миқёсига кўтаргунча чекиладиган меҳнатлар ёки бор маҳоратини ёш болага ўргатадиган ҳунарманднинг меҳнати, сабр-тоқатини бир тасаввур қилиб кўринг. Бу меҳнатнинг шарафли томони – шогирдларнинг, бир мар-

та устоз деб чақиришларидан ортиқ баҳт ва олқишини оламда тенги йўқдир.

25 йилдан буён юргимизда 1 октябрь – йўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаб келинади. Минг-минглаб мурғак қалбларга эзгулик ёғудусини сочадиган, ўз ўқувчиларига ҳаёт мактабини берадиган мўътабар зот – йўқитувчи ва мураббийларимиз қўз нури ва қалб қўрини, бутун онгли ҳаётини ёш авлодга билим ва тарбия беришга, уларни миллӣ ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга бағишиланган, бир сўз билан айтганда, Ватанимизнинг эртанги кунининг пойдеворини яратадиган бу инсонларнинг олижаноб меҳнатига ҳар қанча таҳсин айтсак, эъзозласак, уларнинг хурматини жойига қўйсак оз.

Болалардаги яхши қилиқлар, одатлар – тўғри тарбия натижаси. Бу – ота-она, устозларнинг меҳнатидан. Биз болаларимиздаги яхши одатларни кўриб, қувонамиз. Бу одатларни улар биздан кўриб, эшитиб ўрганишган. Биз тушунган, истаган, кутган одат, қилиқлар. Шунинг учун улар бизга ёқади. Қувонтираяпти бизни. Ҳалол меҳнат деҳқонни бир йилда бир марта қувонтиради. Ота-она, устоз-мураббийни бир умр қувонтиради.

Устоз ва мураббийлар ҳақига риоя қилишни ўргатиш лозим. Болаларни устозларига нисбатан тавозелик, камтарлик, хурмат ҳисси ила, унинг олдида доим одоб билан туриш, ундан етган баъзи азиятларга сабр қилиш, илм олиш йўлида сабот билан туриш каби хислатларга ўргатиш керак. Илгари шогирдларнинг устозларига бўлган муносабатлари, хизматлари қай даражада бўлгани ҳақида болаларга кўпроқ гапириб бериш керак. Бугунги

кунда болаларнинг мактабларда, ўқув даргоҳларида устоз ва мураббийларига қилаётган муомалаларидан гоҳида ранжийсиз. Ота-оналарнинг ҳам нотўғри хатти-ҳаракатлари натижасида болаларнинг тарбияси издан чиқаётганинг гувоҳи бўласиз. Ота-оналарнинг ҳаммаси ҳам болага бир ҳарф ўргатишнинг уддасидан чиқавермайдилар. Шуни ҳисобга олган ҳолда устозларнинг меҳнати, фидойилигини фарзандлар ҳам, ота-оналар ҳам қадрлашлари лозим.

“Устознинг умри – мангу, чунки шогирдлар умри унга уланади”, “Устозлар йўлини берсин” дейди, доно халқимиз. Муаллим – устоз шундай мўътабар зотки, унинг номи ҳам, умри ҳам ҳамиша боқийдир. Биз ўқитувчи, мураббий, устоз деганда, юзидан нур ёғилиб, юраги доимо ёниб турган фидойи шахс сиймосини тасаввур қиласиз. Ана шундай устозларимиз доим илму зиёсини тараннум этишда толиқмасин. Уларни ҳар бир кунда қадр қилишимиз ва ардоқлашимиз бурчимиздир. Илмлари туфайли фарзандларимиз баркамол бўлиб улғаймоқда. Меҳнатлари учун таъзимдамиз. Барча ўқитувчи ва мураббийларга мустаҳкам соғлик, куч-куват тилаймиз. Фарзандларингиз ва шогирдларингизнинг камолини кўришдек бебаҳо баҳт ҳар бирингизга насиб этсин, азиз устозлар!

**Мунира Кахарова,**  
*Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар  
институти директори ўринбосари, ф.д. (PhD)*

## УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

Устоз! Мана шу биргина сўзнинг замирида олам-олам маъно бор.

Қайси тилда, қайси оҳангда айтилмасин, бу сўзни айтмаган, унга эҳтиром кўрсатмаган одам то-пилмаса керак. Зеро, ҳар ким ўзини таниши учун ўрганган билимларининг ҳаммасини устозлардан оладилар. У ўқитувчиидир, мураббийдир, ота-она-дир, aka ёки опадир барчалари яшашни, ҳаётни, билимни, илмни ўргатган устозлардир. Улар ким бўлмасинлар, ҳаёт муаллимларидир. Бинобарин, Жомий ҳазратлари айтганларидек,

Жаҳонда бўлмаса муаллим агар,  
Ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар.

Устознинг улуғлиги шундаки, у бир умр эҳтиромга сазовор бўлиб қолаверади. Бугун бизга таълим берган устозлар ҳам, юз йил олдин ёки минг йиллар олдин миллатимизга, халқимизга илмдан, одобдан таълим-тарбия бериб кетган устозлар доимо эл ардоғида бўладилар. Бинобарин, муқаддас заминимиз бағрида ибратли ҳаёти или қўпчиликка илму зиё улашган мўътабар инсонлар яшаб, ижод этиб келганлар. Улар қолдирган бой илмий ва маънавий мерос йиллар ўтса-да қадр-қимматини йўқотмай, авлодлар тарбиясига ўзининг ижобий таъсирини ўtkазиб келмоқда. Улар бизни доимо илмга чорлаб келаётганлари сабаб биз шундай

даражаларга етмоқдамиз. Биргина, Имом ал-Бухорий ҳазратларининг “Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмайди ҳам” деган ибратли сўзлари бизда илмга бўлган ишончни тарбиялашга хизмат қилиб келмоқда. Бу каби алломаларимиз, мутафаккирларимизнинг айтган фикрлари биз учун ибрат манбаи бўлиб қолаверади.

Дарҳақиқат илм – фаровон келажакнинг калити. Инсоният илм билан тараққиётта эришади, унинг шарофати билан юксалади. Ана шу юксалиш йўлида олинган ҳар қандай илм устознинг саъй-ҳаракати билан эгалланади. Бинобарин, устоз ва мураббийлар баҳтили келажак бунёдкорларидир. Устоз деган улуғ номга лойик ҳар қандай инсон ўқувчиси, талабаси, шогирдини ўз фарзандидек яхши кўриб таълим ва тарбия беради. Натижада жамиятнинг, миллатнинг муносиб фарзандлари вояга етади. Агар шундай бўлмаса, устоз шунчаки касб учун, манфаат учунги на таълим берса, жамият ўз йўлини йўқотади.

Шукрки, бизнинг юртимиз азалдан асл устозлар юртидир. Шунинг учун ер юзида мамлакатимиз тенглар ичра тенг бўлиб, йилдан-йилга олдинлаб бормоқда.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир инсонни баркамол қилиб тарбиялашда, унга билим бериш, меҳр-оқибат, инсонийликни ўргатиш, ватан, миллат, деган эзгу тушунчаларни сингдириш, муносиб ҳаёт йўлини танлашга ўргатишда ўқитувчи ва мураббийларнинг, бир сўз билан айтганда, устозларнинг ҳиссаси бекиёсdir.

Шундай экан устозларнинг мақом-даражалари нақадар улуғ эканини унутмаслигимиз, доимо эҳтиром кўрсатишимииз лозим.

Уларнинг барча эзгу ниятлари амалга ошсин!  
Бинобарин, уларнинг эзгу ниятлари жамиятнинг,  
миллатнинг болалари илмли бўлишлари ва фаро-  
вон яшашларидан бошқа нарса эмас!

Ана шундай мақомга эришиш йўлида қалбан  
устоз бўлиб меҳнат қилаётган инсонларни Яратган-  
нинг ўзи қўлласин!

**Шавкат Тўраев,**  
*Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти  
бўлим бошлиги, ф.ф.н., доцент*

## УСТОЗ ОТАНГДАН УЛУФ !

Аллоҳ Таоло оламларни бунёд этгандан сўнг унга сарвар қилиб Инсонни – Ҳазрати Одам Ато алайҳиссаломни яратди. Одам Ато қовурғасидан Момо Ҳаввони яратиб, улардан фарзандларини кўпайтириди.

Ривоят этилишича, одамзотнинг кўнглига З нарса урмас, яъни инсон З нарсадан асло безор бўлмас, доимо ардоқлар экан.

**Биринчиси** эр учун аёл, аёл учун эр. Чунки, аёл Одам Атонинг қовурғасидан, яъни бир вужуддан яралган. Вужудда эса ошиқча аъзо йўқ. Ҳеч ким бирон аъзосидан воз кечолмагани каби аёл жинси эрдан, эр жинси аёлдан айри кеча олмас экан.

Инсон кўнглига урмайдиган **иккинчи** нарса – ризқ-рўзи, яшаш омили бўлган нон экан. Мана неча минг-минг ийиллар ўтса ҳам Одам Ато ва Момо Ҳавво илк бор таъмини татиб кўрган буғдой ҳамон уларнинг авлодлари насибаси бўлиб хизмат қилиб келаётир. Дунёдаги не бир шириналлар, таомлар нон ўрнини босолмаслиги барчага аён.

Башарият фарзанди учун **учинчи** улуф нарса бу китоб экан. Зеро, Куръондаги дастлабки оят «**Иқра!**» («**Ўқинг!**») эканлиги, улуф пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ўқиши ўрганиб, Аллоҳнинг сўзларидан хабардор бўлиб, уларни халқقا етказгани, мусулмонлар дилига сингдиргани маълумдир. Китобнинг Муқаддаслиги яна шундаки, одамлар у орқали фик-

ран бойийдилар, ақлан ўсадилар, маънан соғлом бўладилар, ахлоқий камол топадилар, қандай сўзлаш, қандай яшаш зарурлигини, имон-эътиқодни асрашни биладилар. Шу боисдан ҳам Ислом динимиз сахифаларидан асосий ўринни ёруғ оламнинг гултожи – Инсон, унинг ризқ-рўзи Нон ва ақлидрохи маҳсули – Китоб одобномаси ва ибратномасининг ўрин олиши бежиз эмас.

Буюк ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолиб келаётган доно халқимизнинг юксак маънавияти бўлмиш миллий ва диний қадриятларимиз эса бўларнинг ҳаммаси – ахлоқий, ақлий ва жисмоний мактаб эканлиги олтиндан қиммат, бебаҳо ва абадий қадриятларимиз, енгилмас кучимиздир!

Модомики, Ислом динининг энг биринчи буйруғи «Ўқинг!» экан, демак *Ислом дини – энг аввало маърифат дини* экан. «Маърифат» сўзи араб тилидан таржима қилинганда «*кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишига қаратилган таълим-тарбия*»; «маориф» деган маъноларни англатади.

Ислом динининг асосий ва Муқаддас китоби бўлмиш Куръони Каримнинг еттидан бир қисми фақат илм мавзусига доир масалалардан иборатдир.

Ислом дини пайдо бўлишини Яратганимиз Муҳаммад алайҳиссалом орқали Арабистон ярим оролини ирова этган бўлса, ушбу Муқаддас, пок Ислом динимизни илму фан, маърифат или ри-вожланишини Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбандий, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Абу Райхон

Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарийлардек буюк алломалар орқали бизнинг жаннатмакон юртимизни (!) йўз илохий ҳикмати илингизни ўзгарадишини таомидайди.

Яхшилик ва эзгулик, бағрикентлик ва тинчлик, яқинлари ва бегоналарга бирдек марҳаматли бўлиш, қон тўқмасликка чақиравчи, нафс васвасасига учмаслик, ота-онага улар ҳаёт эканларида меҳрибон ва сахийлик илингизни таомидайди. Мустақиллик йилларида ўз қадрини ҳамда ўзининг азалий вазифаси – эзгу мақсадларга чин маънода хизмат қилиш имкониятини топди.

Бизнинг қадимиий ва гўзал диёrimiz нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёsatчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланниб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, Ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг ҳизматлари беқиёс экани бизга улкан гуурор ва ифтихор бағишлайди.

Аллоҳ таборака ва таоло ўзининг Каломи мажиди – Қуръони каримда ва Жаноби Пайғамбаримиз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассаллам ҳадиси шарифларида улуғлаб эъзозлаган етти тоифа инсонларни ҳар бир мўмин-мусулмон киши қадрлаб, ҳурмат қилиши лозим:

- 1) ота;
- 2 ) она;
- 3) устоз (манфаатли илм ё касб-хунар ўргатган инсон);
- 4) олим (фақат диний йўналишдагина эмас, балки инсон учун манфаатли барча соҳалардаги олимлар. Чунки ҳамма соҳаларнинг ҳам эгаси – Аллоҳ таолонинг Ўзири);
- 5) Қуръони каримдан хабардор киши;
- 6) мўйсафиид одам;
- 7) адолатли раҳбар.

Муқаддас Ислом динимиз ҳукмлари ҳам, жаннатмакон юртимиз буюк ва маърифатпарвар, улуғвор ҳамда донишманд ҳалқининг Қуръони Карим ва ҳадиси шарифларга уйғунлашиб кетган, ҳатто мақоллари ҳам инсонларни илм-фан тараққиётига, илмли кишиларни улуғлашга ундейди, устозларни хурматлашга тарғиб этади.

Маълумки, бу дунёning ривожланишида, инсониятнинг тараққиёт этишида устознинг ўрни бекиёс.

Бизнинг доно ҳалқимиз

«Устоз – отангдек улуг»,  
«Уста борида қўлингни тий,  
Устод борида – тилингни»,  
«Уста бўлсанг, устозингни унутма»,  
«Устозингга тик қарасанг, тўзасан,

Хурмат қилсанг, аста-аста ўзасан», деб бежиз айтмаган.

Чунки, ҳаммага маълумки, инсониятнинг энг биринчи Устози – бу АЛЛОҲ ТАОЛОНИНГ ЎЗИ бўлса, “Аллоҳ Одамга барча яратилган ва яратилажак нарсаларга тегишли номларни ўргатди. Сўнгра уларни фаришталарга бирма-бир кўрсатиб деди: “Агар эъ-

тирозингизда ростгўй бўлсангиз, ана у нарсаларни номлари билан Менга айтиб берингиз!” (“Бақара” сураси, 31 оят), мусулмонларнинг инсонлар ичидаги энг буюк устози – **ПАЙГАМБАРИМИЗ МУҲАММАД АЛАЙХИССАЛОМДИРЛАР!**

Хар бир инсон зоти учун эса энг биринчи устози – **унинг ОТА-ОНАСИДИР!** Зеро, уни тарбиялашни ҳали бу дунёга келмасидан олдинроқ бошлайди. Туғилиши биланоқ то ота-онанинг ўзи бу дунёдан ўтмагунча, ўз фарзандига меҳрибонлик қилиб ўтади...

Шунинг учун ҳам ҳар бир ақл-заковатли, фаҳм-фаросатли одам «Устозлар ва мураббийлар» байрам кунида ҳам энг биринчи бўлиб ўзининг доимий пешқадамлари бўлмиш ўз ота-онасидан бошлаб, устоз ва мураббийларини кўнгилларини шод қилиб, бебаҳо, бетакрор ва бекиёс дуоларидан баҳраманд бўлишга шошилади.

Янги ўқув йили ҳам бошланиб, фарзандларимиз улуғ ва муқаддас, машаққатли ва серсавоб иш бўлмиш – илм олишга киришдилар... Биз, ота-оналар, фарзандларимизни улғайишида, илм олиб, билимли бўлишларида кўп жиҳатларига серқиррали эътиборимизни беришимизда қуиидаги пурматъноли, сермазмунли тарафини ҳам эътиборга олишимизни муқаддас динимиз амр-фармон қилиб буоради.

Шунчалик улуғ (!) даражага устознинг мавқеи кўтарилган. “Устоз” деганда фақат маълум бир соҳада ёки фақат илм соҳасида эмас, балки илм-фанинг барча турларида, касб-хунар соҳаларида ҳам ўргатувчини биз УСТОЗ деб тушунишимиз лозим! Шунинг учун ҳам бизнинг доно халқимиз ҳурмат ва эҳтиром ила эъзозлаб «УСТОЗ» дейди.

Күнлардан бир куни ҳазрат Навоий  
Сайр айламакни қилди ихтиёр.  
Мулозимлар ила чиқдилар йўлга  
Ва кичик болага келдилар дучор.  
Ўшанда Навоий отидан тушиб,  
Ўша ёш болага қилибди таъзим.  
Мулозимлар ҳайрон, аъёнлари лол –  
Бундай учрашуудан қолибдилар жим.  
Бир аъён қўлини кўксига қўйиб,  
Сўрабди: «Ҳазратим. Бу қандайин ҳол?  
Сиз болага эмас, балки у сизга қилиб таъзим,  
Салом бериши душвор!»  
Навоий дебдики, мен кўрган бола  
Устозим – боланинг бобоси эди.  
Олисларда қолиб кетган дамларнинг  
Узоклардан келган садоси эди...  
Устозим мен учун отадан улуг,  
Шунингчун болага қилдим мен таъзим.  
Устозимдан қолган неварасига  
Салом бермаслигим – гуноҳу азим!

Куръони карим ояти карималари ва муборак  
ҳадиси шарифларга асосланган ҳолда ўқувчини  
ўқитувчига нисбатан муомала-ю маданиятни ша-  
риатимиз белгилаб берган:

- 1) Ўқитувчига биринчи бўлиб салом беринг!
- 2) Ўқитувчи олдида мавзуга оид бўлмаган ортиқча  
гап-сўзлар гапирманг!
- 3) Ўқитувчи сўрамаган нарсалардан тилингизни  
тийинг!
- 4) Савол беришдан олдин рухсат сўранг!
- 5) Ўқитувчининг гапига ёки жавобига эътироz бил-  
дирманг!

6) Ўқитувчи хатосини айтиб, билимдон эканлигингизни кўрсатманг!

7) Ўқитувчи олдида ён шеригингиз билан сұхбатлашиши жуда хунук ишидир.

8) Ўқитувчисини ҳурмат қилган ўқувчи ҳар тарафга қараб ўтиришидан ўзини тияди ва дикқатини ўқитувчисига қаратади.

9) Юраётган ҳолатда савол берииш ҳурматсизлик ҳисобланади.

10) Ўқитувчи ўрнидан турдими, сиз ҳам туринг!

11) Ўқитувчи олдингизда экан, ҳеч ҳам баланд оҳангда гапирманг!

12) Иложи бўлса ўқитувчига исм-шарифи билан эмас, балки «Муаллим» ёки «Устоз» деб мурожаат қилинг!

Агар инсон билим йўлида кетаётган экан, Пайтамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг нурлари томон бораётган экан, бу асосий қоидаларга риоя қилиши лозим.

Баъзида одоб, ҳурмат қоидаларига бўйсунмай, ўқитувчисидан билим олаётганлар ҳам бор.

Тўғри, инсон ўқитувчисини олдида китоб ўқиши, бирор-бир ҳунар ўрганиши ёки фан билимларини олиши мумкин. Лекин устозига ҳурмат бўлмаса, бу каби билимлар оддий маълумотга айланади. Бундай билимда барака бўлмайди!

Азозил исмли фариштани эслайлик. Ҳозир унинг исми Шайтон. Билимга эга, ҳаттоқи бошқа фаришталарга ҳам сабоқ берган. Хўш, шундай билимлар тўғри йўлдан адашишидан Азозилни қутқариб қола олдими? Йўқ, чунки Аллоҳни ҳурмат қилмади, эътиroz билдириди. Беодоблик қилди. Яратганинг буйруғига бўйсунмади. Бетгачо-

парлик қилиб, мағрурлигини намоён этгани учун лаънатланган ва ҳайдалган.

Ҳозирги кунда одамларни ножўя йўлларга етаклаётган, жамоатда қарама-қарши қарашлар пайдо қилаётган, ўзлари ҳам адашган «ақлли»лар қандай пайдо бўлганини англаб олишимиз мумкин. Булар устозига ва бошқа олимларга нисбатан одобни қўлламаган, ҳурматни билмаган, ўз билимларини тўғри йўлга сола олмаганлардир.

Уламоларимизнинг айтишларича, 7 хил инсонлар ўртасида ҳеч қачон тенглик бўлмас экан.

Бу тенгсизликни АЛЛОҲ ТАОЛОНИНГ ЎЗИ (!) ўрнатган! Ақлсиз одамгина буларни тенглаштиради:

- 1) эркак – аёл;
- 2) эр – хотин;
- 3) устоз – шогирд;
- 4) катта – кичик;
- 5) ота-она – фарзанд;
- 6) илмли – илмсиз;
- 7) раҳбар – ходим.

АЛЛОҲ ТАОЛОНИНГ ЎЗИ (!) ўрнатган тенгсизликни бузишга ҳаракат қилганни охир-оқибат АЛЛОҲ ТАОЛОНИНГ ЎЗИ ҳолинивой қилади.

Имом Аъзам Абу Ҳанифа раҳматуллохи алай-ҳидан ривоят қилинади:

“Устозим Ҳаммоднинг ҳурматлари учун у зотнинг уйлари томонга оёгимни узатмаганман.

Ҳолбуки, у зотнинг уйлари билан менинг уйим орасида еттита кўча бор эди.

Устоз Ҳаммоднинг вафотларидан сўнг қачон намоз ўқисам, ҳар сафар, албатта, ота-онамга қўшиб, у зотга ҳам Аллоҳдан магфират сўрайман.

*Нафақат у зот, балки кимдан нимадир ўрганган бўлсам ёки кимдир менга нимадир ўргатган бўлса, албатта, ўша кишилар учун ҳам доим Аллоҳдан магфират сўрайман”.*

Доно халқимизни ўз мақолларида “Устоз отадек улуг!” ва “Устоз отангдан улуг!” деб айтишларида ҳам жуда қўп маънолар бор. Зоро, бу улуғ ҳикматлар элнинг эллик минг элагидан ўтказилиб, кейин муомалага киритилган. Илоҳо ўзларимизни ҳам, фарзанд-зурриётларимизни ҳам Аллоҳ таоло Қуръони каримда буюрган, жаноб Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифларида тавсия этган, ўтмишда ўтганларимизни руҳлари шод бўладиган, халқимиз хурсанд бўладиган, ота-оналаримиз рози бўладиган йўллардан юрishiшимизни барчамизга насиб этсин!

**Иброҳимжон ИНОМОВ,**  
*Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари*

## **“ИЛМДАН ЎЗГА НАЖОТ ЙЎҚ !”**

*Устоз-муаллимсиз қолганда замон,  
Нодонликдан қаро бўлади замон!  
Абдураҳмон Жомий*

Фарзанднинг дунёга келиб, дунёни ўрганишида хизмат қилувчи биринчи тарбиячиси ота-онаси ҳисобланса, уни инсон сифатида камол топтиришда ақлини чархловчи, унга ўқиш ва ёзиш, гўзал одоб-аҳлоқ ва тарбия тушунчалари, ҳисоб-китоб, дунёвий билимлари ва одамийлик ҳақидаги тасавурлар, меҳр-оқибат, эзгу орзу-ниятлар билан яшаш туйғуларини сингдиришда, бу ёруғ оламга меҳр-муҳабbat туйғуларини уйғотишда, жамиятда ўзининг ўрнини топишида ва эртанги келажагани белгилаб олишда устоз ва мураббийларнинг ўрни бекиёс. Буюк саркарда Амир Темур вафоти олдидан шундай васият қилган эди: “Вафотимдан сўнг мени устозим кўрагон оёқлари пойига қўйинг” деган сўзлари ҳам устозга бўлган буюк эҳтиромдан дарак берса, Ҳазрат Навоий устози ҳақида шундай деган эдилар: “Дунёнинг бор бойлик ва хазинаси билан ҳам сизларнинг олижаноб меҳнатингиз ҳақини адо этиб бўлмайди”. Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир мурғак қалбни худди ўзининг боласидек қабул қилиб, унинг тарбияси учун ўзининг кўз нури, бор куч-куватини бағишлийди.

Бугун давр шиддат билан ўзгариб бораётгани ва бу ўзгаришлар жамиятнинг барча соҳаларида ўзга-

ришларни талаб қилмоқда. Бу соҳалардан бири таълим соҳасидир. Дунё мамлакатлари қатори пандимея даврида Ўзбекистон ҳам таълим соҳаси бўйича кескин ўзгаришлар жараёнидан четда қолмади. Пандемия даврида тиббиёт ходимлари ва устоз ва мураббийларнинг фидокорона меҳнатларига тасанно айтмасдан иложимиз йўқ. Айнан “пандимея” бизни дунё миқёсида кескин ва шиддатли рақобатларга бардош бера оладиган “Миллий таълим дастури”ни яратишимииз лозимлигини бизга кўрсатиб берди. Бу мақсадни амалга оширишда аввало, таълим-тарбия масканларининг моддий-техник базасини замонавий талаблар асосида шакллантириш, кадрлар салоҳиятини мустахкамлаш, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини замон талаблари асосида қайта ишлаб чиқиш, ўқув дастурлари ва стандартларини такомиллаштириш, таълим-тарбия соҳасида фаолият юритувчи соҳа вакилларининг ойлик иш ҳақларини қайта кўриб чиқиш ҳамда замон талаблари асосида босқичма-босқич ошириб бориш ҳамда энг асосийси соҳа вакилларининг фаолият жараёнида кўп йиллардан бери эътибордан четда қолиб келаётган энг оғриқли нуқта бўлган, “Ўқитувчи мақоми тўғрисида” қонун қабул қилиш каби муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

Барчага маълум, узоқ йиллар давомида устоз ва мураббийларга бўлган муносабат жуда ачинарли ахволда эди. Оқибатда улар фаолият жараёнида кўплаб муаммоларга дуч келганликлари ҳеч кимга сир эмас. Ўтган давр мобайнида уларга бўлган муносабат натижасида, жамиятимизнинг ҳимоясиз қатламига айланиб қолиши натижасида, белгилан-

ган вазифасидан ташқари ишларга жалб этилгани, таъсир этувчи шахсларнинг кўпайгани камситилишлар натижасида қанчадан-қанча малакали ва тажтибали ўқитувчи-педагог устозлар ўзи севган касбидан воз кечгани жамиятнинг барча соҳаларида кўплаб муаммоларни келтириб чиқарган оқибатларига ўзимиз гувоҳи бўлдик. Шу сабабли “Ўқитувчи мақоми тўғрисида” қонун ишлаб чиқишига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳар бир жамиятда инсон ресурсини камол топтиришда ва шакллантиришда ўқитувчи ва мураббийларнинг ўрни бекиёс ҳисобланади. Олиб борилаётган ислоҳотларнинг қанчалик инсон онги ва тафкурига тўғри етказиб борилиши ушбу ислоҳотлар натижасида жамият тараққий этишига хизмат қиласди.

Жамиятнинг асосий занжири, бугуннинг қаҳрамонлари ҳисобланган ўқитувчи ва мураббийларсиз ҳаётимизни тасаввур қилиб кўрайликчи? Шифокор инсоннинг дардига малҳам бўлиши учун таҳсил олмаса, қурувчи бино қуриш учун билим эгалламаса, нонвой нонёпиш учун таълим олмаса, дурадгор устачилик қилиш учун устоздан малака ва кўникмалар эгалламаса. Фарзандларимиз туғилганидан то вояга етгунга қадар билим ва тарбия олмаса, жамиятнинг кўриниши қандай кўринишда бўлади деб ўйлайсиз? Албатта, биз онгиз мавжудот деб атаётган ҳайвонлардан ҳеч қандай фарқимиз қолмайди. Жамият ва атрофимиз фаҳш ва ваҳшийлик ботқоғига ботиши тайин.

Дунё тажрибасига назар ташлар эканмиз, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга тушиш билан биргаликда

деярли табиий қазилма бойликларига эга бўлмаган Япония, Жанубий Корея, Финляндия каби давлатлар бугунги кунда жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлар қаторидан жой эгаллаганилиги ажабланарли. Сабаби, бу мамлакатлар шундай қийин вазиятда ўзининг бор сармоясини таълимга йўналтирганлигини кўришимиз мумкин. Бугунги кунда энг қиммат ресурс бу инсон илмий салоҳияти ҳисобланади. Бундан кўриниб турибдики, ҳар қандай оғир вазиятдан инсон илмий салоҳияти, фаровонликка эришишининг ягона йўли. Бу йўлда асосий вазифани эса, албатта, устоз ва мураббийлар берган таълим орқали амалга ошириш мумкин.

Давлат раҳбари Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек “Бугун ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи, олийгоҳ муаллими таълим ва илм-фан соҳасидаги энг сўнгти ижобий янгиликларни ўқув жараёнларига татбиқ эта оладиган, чуқур билим ва дунёқарааш эгаси, бир сўз билан айтганда, замонамиз ва жамиятимизнинг энг илғор вакиллари бўлишлари керак. Ишончим комил, ҳалқимиз зиёлиларининг илғор вакиллари бўлган сиз, ҳурматли устоз ва мураббийлар мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жамиятимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш бўйича олиб бораётган ишларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ҳаётда ўзини оқлаган мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигига асосланган ижтимоий тизим самарасини оширишда фаол иштирок этиб, барчага ўрнак ва намуна бўласизлар. Бугун биз яшаётган жамиятта янги фикр, янги ғоя, энг муҳими, ислоҳотларни амалга оширишга қодир бўлган

янги авлод кадрлари керак. Албатта, халқимизнинг мардона меҳнати, ўқитувчи ва мураббийларнинг жонбозлиги туфайли таълим соҳасини тубдан мөдернизация қилиш бўйича кўп иш қилдик. Лекин ҳаммамиз яхши тушунамизки, булар – катта мақсад йўлида ташланган дастлабки қадамлар, холос”. Дарҳақиқат биз кўзлаган олий мақсад йўлида “Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас” лигига яна бир бор ишонч ҳосил қилишимиз даркор. Фикримиз сўнгида немис педагоги А.Ф. Дистенвергнинг “**Ноқобил ўқитувчи ҳақиқатни шунчаки айтади-қўяди, яхшиси эса уни топишга ўргатади**”. Шундай экан фарзандларимизнинг атрофдаги бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни тўғридан-тўғри таҳлилсиз истеъмол қиласидиган авлодни эмас, балки ўзининг соғлом фикри, дунёқараши, илмий салоҳияти юқори бўлган баркамол авлодни тарбиялаб, камол топтириб берувчи устоз ва мураббийлар излаб топиш, тарбиялаш ва шаклланишига ёрдам бериш қаби олий мақсад йўлида машаққатли вазифани амалга оширишда бир зум ҳам тўхтамаслигимиз шарт!

**Нигора Хусanova,**  
*Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар  
институти илмий ходими,  
Ўзбекистон Миллий университети таянч  
докторантни*

## **ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИДА ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ**

Дунё давлатларида ўқитувчи ва мураббийлар кунини қай тарзда нишонланишини биламизми? Айтиб ўтиш керакки, бу кун ўзга давлатларда турли сана ва қўринишларда нишонланади. Ҳатто, шундай давлатлар борки, у ерларда ўқитувчилар куни умуман нишонланмайди ёки устозлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгилаб қўйилган билимлар кунидагина табриклаб ўтилади.

1994 йилда ЮНЕСКО томонидан ҳар йили 5 октябрда нишонланадиган Бутунжоҳон ўқитувчилар куни таъсис этилган. Мазкур санани дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатлари касб байрами сифатида нишонлайди. Жумладан, Озарбайжон, Арманистон, Бангладеш, Буюк Британия, Германия, Камерун, Канада, Қатар, Қувайт, Литва, Маврикий, Малдив ороллари, Мянма, Нидерландия, БАА, Покистон, Россия, Руминия, Шимолий Македония, Филиппин, Эстония ва бошқа давлатлар.

Беларуссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, Украина: Ўқитувчилар куни СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1965 йил 29 сентябрдаги қарори билан таъсис этилган (1980 йил 1 октябрь СССР Олий Кенгаши Президиумининг “Байрамлар ва унутилмас саналар тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган). Унга кўра, ушбу давлатлар Ўқитувчилар кунини октябрь ойининг биринчи якшанба-

сида нишонлайди. Сингапурда бўлса, сентябрнинг биринчи жума куни, АҚШда эса май ойининг биринчи тўлиқ ҳафтасининг сешанба куни байрам қилиниб келинади.

Жазоир, Миср, Иордания, Яман, Ливия, Марокаш, Саудия Арабистони, Тунисда Ўқитувчилар куни – 28 февраль куни нишонланса, Австралияда эса октябрь ойининг охирги жумаси, Албанияда – 7 март, Аргентина – 11 сентябрь, Бразилияда – 15 октября, Вьетнамда – 20 ноябрь, Грецияда – 30 январь, Хиндистонда – 5 сентябрь, Индонезияда – 25 ноябрь, Эронда – 2 май, Испанияда – 27 ноябрь, Хитойда – 10 сентябрь, Мексика ва Корея Республикасида – 15 май, Уммонда – 24 февраль, Польшада – 14 октября, Словакияда – 28 март, Таиландда – 16 январь, Туркияда – 24 ноябрь кунлари байрам сифатида нишонланади.

Ўқитувчилар кунини белгилашнинг тарихий асоси 1966 йил 5 октября Парижда бўлиб ўтган Ўқитувчиларнинг мақоми бўйича маҳсус хукуматларо конференция эди. Натижада ЮНЕСКО ва Ҳалқаро меҳнат ташкилоти вакиллари “Ўқитувчилар мақоми бўйича тавсиялар” хужжатини имзоладилар. Мазкур хужжатда илк бор “ўқитувчи” сўзи “мактабларда ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш билан шугулланадиган шахслар” дея таъриф берилади.

Кўплаб мамлакатларда Жаҳон ўқитувчилари куни пайдо бўлгунга қадар байрам миллий миқёсда октябрь ойининг биринчи ярмида ўқитувчиларнинг меҳнат шароитларини белгилаб берувчи биринчи хужжат қабул қилинган санада нишонланган.

Францияда ўқитувчиларни 5 октябрь куни табриклишади, аммо бу куни уларга совғалар бериш одатий ҳол эмас. Мактаб, агар хоҳласа, ўқитувчилар ва ўқитувчилар норасмий муҳитда сұхбатлашишлари учун концерт, кейин эса шириң дастурхон ташкил қилиши мүмкін.

Германияда Ўқитувчилар кунида совғалар бериш одатий ҳол эмас. Бола, агар хоҳласа, севимли ўқитувчисига бирон-бир хунармандчилік буюми совға қилиши ёки табрикнома ёзиши мүмкін.

Америка Құшма Штатларида ўқитувчиларни май ойининг биринчи түлиқ ҳафтасининг сеңанба куни “Миллий ўқитувчилар куни” билан табриклишади. Бу куни болалар ўқитувчиларга ихтиёрий равиша гуллар ва шириналар совға қилишади.

Беларуссияда октябрь ойининг биринчи якшансаси – Ўқитувчилар куни нишонланиб, таълим билан боғлиқ касбнинг ҳар бир вакили учун ушбу байрам энг муҳим ва тантанали байрамлардан бири ҳисобланади.

Белоруссиянинг турли мактабларида Ўқитувчилар куни турли күнларда нишонланади: баъзи мактабларда жума куни, баъзиларида эса душанба куни. Аммо ўқитувчиларни гуллар, шириналар, яхши тилаклар ва талабаларнинг яхши баҳолари билан табриклаш анъанага айланиб қолган. Айрим мактабларида бу кунни бутун мактаб учун байрам эмас, балки Ўқитувчилар куни деб ҳисоблашади. Ушбу кунда ўқитувчилар байрамона кийиниб келишади. Болалар ва мактаб битирудилари кекса нафақадаги ўқитувчиларга алоҳида эътибор беришлари йўлга қўйилган.

Хитойда 10 сентябрь куни ўқитувчиларни байрам дастури билан табриклишади – шу куни улар кўплаб яхши сўзларни айтишади ва мураббийларга гул беришади. Ўқувчилар ушбу кун билан мактабга келган ўқитувчилар ва собиқ ўқувчиларни табриклишади.

Аргентинада 11 сентябрда нишонланадиган Ўқитувчилар куни асосий миллий байрамлардан бири ҳисобланади – аргентиналиклар умумий дам олиш кунини эълон қиласидар ва ўқитувчиларни мамнуният билан табриклидилар.

Ҳиндистонда Ўқитувчилар куни 5 сентябрда нишонланади – анъанага кўра, ўрта мактаб ўқувчилари ўқитувчилар билан жой алмашадилар ва дарсларни ўзлари олиб борадилар.

Россия 5 октябрда Ўқитувчилар кунини нишонлайдиган мамлакатлар рўйхатига кирди. Яъни, Россия Президентининг 1994 йил 3 октябрдаги 1961-сонли фармони билан 5 октябрь – Ўқитувчилар куни сифатида нишонланади. Шунингдек, 1995 йилда Россия Президентининг фармони билан “Россия Федерациясининг хизмат қўрсатган ўқитувчиси” фаҳрий унвони таъсис этилиб, бу унвон Ўқитувчилар кунида 15 йилдан ортиқ вақтни таълим ва тарбия ишларига бағишлиган ва меҳнатсевар ўқитувчиларга берилади.

Кўшни республика Қозогистонда ўқитувчиларнинг касб байрами сифатида 1965 йилдан бўён октябрнинг илк якшанбасида нишонланади. Анъанага кўра, байрам арафасида мактабларда ўзини ўзи бошқариш кунлари ўтказилади, бунда ўрта мактаб ўқувчилари кичик дарсларни олиб борадилар, улар олдиндан тайёргарлик кўришади ва ўқитувчилар-

дан зарур маслаҳат ва кўрсатмалар оладилар. Ушбу кунда ўқитувчилар талабалар ва уларнинг ота-оналари табрикларини қабул қилишади. Эрталаб йигитларнинг қўлларида гулдасталар билан мактабларга қандай боришлигини кўришингиз мумкин.

Худди шундай Грузия, Арманистон, Украина ва Молдовада ҳам октябрнинг биринчи якшанбаси мураббийлар қуни сифатида нишонланар экан. Японияда эса ўқитувчилар қуни 1951 йилгача диний байрам сифатида нишонланиб, баҳор ойида ўтказилган. Кейинчалик 4 май устозлар қуни деб эълон қилинган.

Туркияда ўқитувчилар қуни, одатда, 24 ноябрда нишонланади. Турк давлатининг асосчиси Мустафо Камол Отатурк шарафига расман ташкил этилган. Мустафо Камол Отатурк буюк ислоҳотчи эди, у амалга оширган ўзгаришлар сиёsat, жамоат ҳаёти, хуқуқий соҳа, иқтисодиёт ва таълимга тегишли эди. Хуллас, унинг ташаббуси билан 1923 йилда лотин алифбосига асосланган янги турк алифбоси жорий этилиб, туркий тилда ислоҳот бошланди. Мустафо Камол Отатурк янги авлодни ўқитувчилар яратади, деб ишонган ва унинг ўзини ҳалқ “республиканинг биринчи ўқитувчиси” деб атаган. Бундан ташқари, 1934 йил 24 ноябрда Туркия Буюк Миллат Мажлиси Мустафо Камолга “туркларнинг отаси” ёки “буюк турк” деган маънони англатувчи Отатурк фамилиясини беради.

Ҳар йили 5 сентябрь қуни Ҳиндистонда жамиятдаги энг ҳурматли инсонлардан бири бўлган ўқитувчилар тақдирланади. Байрам санаси – 5 сентябрь – файласуф, ўқитувчи, жамоат ва давлат арбоби доктор Сарвепалли Радхакришнан (1888–1975) та-

валлуд топган кунига тўғри келади. Радҳакришнан 1962 йилдан 1967 йилгача Ҳиндистон президенти бўлган.

Байрамнинг келиб чиқишининг бундай версияси мавжуд. Бир куни қуролдошлари давлатимиз раҳбаридан ўзининг туғилган кунини катта умумхалқ байрами билан нишонлаш учун рухсат сўрашганида, у бунга жавобан барча устоз ҳамкаслари ни шу куни ҳурмат қилишни таклиф қилган экан.

Эътиборли томони шундаки, ҳеч бир давлатда ўқитувчилар куни умумхалқ байрами сифатида нишонланмас экан.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> wikipedia.org/wiki/День\_учителя

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР ҲАҚИДАГИ СҮЗЛАРИ

Фарзандларимизнинг келажақда қандай инсонлар бўлиб вояга етиши мураббий ва тарбиячиларнинг билим савияси, ўз ишига фидойилигига боғлиқ.

\* \* \*

“Ўқитувчини ҳурмат қилмаганни мен ҳам ҳурмат қилмайман”.

\* \* \*

Буюк Алишер Навоий бобомиз айтганлариdek, дунёning бор бойлик ва хазинаси билан ҳам сизларнинг олижаноб меҳнатингиз ҳақини адо этиб бўлмайди. Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир мурғак болани ўз фарзандидек ардоқлаб, ёш авлод тарбияси учун кўз нури, қалб қўри, бутун борлигини баҳш этадиган ўқитувчи ва мураббийлар том маънода фидоий касб эгаларидир.

\* \* \*

Биз бугун замонавий билим ва касб-хунарлар, хорижий тилларни пухта эгаллаб, катта умид ва ишонч билан ҳаётга қадам қўяётган, эртанги кунилизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган минг-минглаб фарзандларимиз камолида ўқитувчи ва мураббий-

ларимизнинг беқиёс ҳиссаси борлигини яхши биламиш ва сизларнинг бу улуғ хизматингизни юксак қадрлаймиз.

\* \* \*

Бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт олдимизга қўяётган бир-биридан мураккаб ва муҳим масалаларни ҳал қилиш ҳақида ўйлар эканмиз, уларнинг ечими айнан таълим-тарбия билан, ёшларнинг дунёқарашини замонавий билим, юксак маънавият ва маърифат асосида шакллантириш билан боғлиқ эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиласмиш.

\* \* \*

Ишончим комил, ҳалқимиз зиёлиларининг илгор вакиллари бўлган сиз, ҳурматли устоз ва мураббийлар мамлакатимизда ижтимоий-маънавий мухитни яхшилаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жамиятимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш бўйича олиб бораётган ишларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ҳаётда ўзини оқлаган мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигига асосланган ижтимоий тизим самарасини оширишда фаол иштирок этиб, барчага ўрнак ва намуна бўласизлар.

\* \* \*

Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг: “Инсон тафаккурининг қуввати ва кенглиги аввало муаллим тарбиясига боғлиқ” деган сўзлари сизларнинг машаққатли, айни вақтда оли-

жаноб фаолиятингизга берилган юксак баҳодир, десак, ўйлайманки, адашмаган бўламиз.

\* \* \*

Барчамиз яхши тушунамиз, таълим-тарбия – ҳар қайси давлат ва жамиятнинг нафақат бугунги, балки эртанги кунини ҳам ҳал қиласиган Энг муҳим ва устувор масаладир.

\* \* \*

Ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида, замонавий билим ва қасб-хунарлар, хорижий тилларни пухта эгаллаган, Ватанимиз ва ҳалқимизга садоқатли инсонлар этиб вояга етказишда аввало сизларга таянамиз.

\* \* \*

Ишончим комил, миллати, тили ва динидан қатъи назар, Ватанимизнинг ҳар бир фарзандини ўз боласидек севиб, ардоқлаб, уларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш учун сидқидилдан меҳнат қилаётган сиз, ҳурматли Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийлари бу вазифаларни, албатта, шараф билан адо этасиз.

\* \* \*

Биз аждодларимизнинг ёрқин хотирасини асрарб-авайлаб, қалбимида, юрагимизда абадий саклаймиз. Букилмас ирова, фидойилик ва жасорат намунасини амалда намоён этиб, ўз ҳаётини азиз Ватанимизнинг ҳар томонлама равнақ топишига бағищлаган устоз ва мураббийларимиз, замондошлиаримиз билан биз чексиз фахрланамиз.

\* \* \*

Бугунги кунда “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлишлари шарт!” деган ҳаётий даъват ҳар биримизнинг, ота-оналар ва кеңг жамоатчиликнинг онги ва қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаган.

Хурматли домлаларимиз ва профессор-ўқитувчиларнинг энг муҳим вазифаси – ёш авлодга пухта таълим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир.

\* \* \*

Кўпчилик зиёлилар қаторида мен ҳам бир фикри ҳамиша катта армон билан ўйлайман: мамлакатимизда учинчи Ренессансни XX асрда маърифатпарвар жадид боболаримиз амалга оширишлари мумкин эди. Улар «Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас», деган ҳадиси шарифни ҳаётий эътиқод деб билдилар.

\* \* \*

Сизлар дунёдаги энг бебаҳо бойлик ва боқий меросни яратиш, уни ҳалқимизга, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга безавол етказиш йўлида чинакам фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган улуғ инсонларсиз. Бу улкан бойлик – ақл-заковат ва илм, бу ўлмас мерос – яхши тарбиядир.

\* \* \*

Биз ҳар биримиз ҳаётда қандай муваффақият ва натижаларга эришган бўлсақ, бу ютуқларда сизларнинг бекиёс ҳиссангиз борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этамиз. Шу боис, мана шун-

дай қувончли кунда барча шогирдларингиз, бутун халқимиз номидан сизларга юксак ҳурмат-эҳтиромимиз, эзгу тилакларимизни билдириб, чин дилдан таъзим қиласиз.

Улуг шоиrimiz мавлоно Фурқат илм-маърифатни **кўнгилларнинг сурури, кўрар қўзларнинг нури**, деб таърифлаганини ҳаммамиз яхши била-миз.

\* \* \*

Дарҳақиқат, миллионлаб фарзандларимиз қалбига илм-фан зиёсини сингдириб, уларни эл-юргта муносиб инсонлар этиб тарбиялаётган заҳматкаш ва олижаноб устозларимизга ҳар қанча таҳсинлар айтсак, арзийди.

\* \* \*

Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллиатни буюк қила-диган куч ҳам бу – илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандлари-мизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ.

Буюк юонон олими Аристотелнинг **“Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қиласи”**, деган сўзлари бор.

\* \* \*

Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта маҳсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижко-

дий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг түрт таянч устуни, деб ҳисоблаймиз.

\* \* \*

Халқимиз ҳамиша устозларни эъзозлаб, уларнинг ҳурмат-иззатини жойига қўйиб келган. “**Устоз ота каби улуғ**” деган ҳикматли нақл ҳам бежиз айтилмаган. Энди ана шу сўзларни қофозда эмас, амалда қарор топтирадиган, ўқитувчи-муаллимнинг қадр-қимматини жойига қўядиган пайт келди.

\* \* \*

Албатта, ҳаммамиз мактаб даврини эслаганимизда, кўз олдимизга, аввало, талабчан ва меҳрибон синф раҳбаримиз келади. Нима учун? Чунки, мактабдаги ҳар бир қадамимиз мана шу азиз ва олижаноб инсонларнинг доимий эътибори ва ғамхўрлигига бўлган. Ҳаётга илк йўлланмани ҳам бизга мана шу устозларимиз берган.

\* \* \*

Фарзандларимиз мактабдан қанчалик билимли бўлиб чиқса, юқори технологияларга асосланган иқтисодиёт тармоқлари шунча тез ривожланади, кўплаб ижтимоий муаммоларни ечиш имкони туғилади. Шундай экан, Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади десам, ўйлайманки, бутун халқимиз бу фикрни қўллаб-қувватлайди.

\* \* \*

Ўқитувчиларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида бўлишини, уларнинг касбий фаолиятига ноқонуний аралашув, бошқа ишларга жалб қилиш жавобгарликка сабаб бўлишини қатъий белгилаш лозим.

\* \* \*

Бугун ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи, олийгоҳ домласи таълим ва илм-фан соҳасидаги энг сўнгти ижобий янгиликларни ўқув жараёнларига татбиқ эта оладиган, чуқур билим ва дунёқарааш эгаси, бир сўз билан айтганда, замонамиз ва жамиятимизнинг энг илғор вакиллари бўлишлари керак.

\* \* \*

Ҳаммамизга аёнки, бугунги мураккаб глобаллашув даврида жамиятимизда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни кучайтириш, ёшларимизни турли заарли ғоя ва таҳдиidlардан асраш, уларни ўз мустақил фикрига эга, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

\* \* \*

Мактаб муаммосига биринчи даражали масала деб қарашимиз лозим. Мактаб – фақаттина таълим берадиган маскан эмас, барчамиз учун юксак маънавият бешигига, фарзандларимизни болаликдан бошлиб касбга ўргатувчи даргоҳга айланиши зарур.

\* \* \*

Шахсан мен жонкуяр олимларимиз буюк аждодларимизнинг илмий анъаналарини муносиб давом эттирган ҳолда, илм-фанни тараққиётимизнинг драйверига айлантириб, мамлакат ривожига хизмат қиласиган муҳим қашфиётлар яратишларига ишонаман.

\* \* \*

Барчамиз яхши биламизки, инсоннинг онги ва дунёқараши, фикри ўзгармаса, жамият ўзгармайди. Жамият ўзгармаган жойда ҳеч қандай ижобий натижа ҳам, тараққиёт ҳам бўлмайди. Одамларнинг онгу тафаккурини ўзгартирувчи куч эса, ҳеч шубҳасиз, аввало, ўқитувчи-мураббийлар, олийгоҳ домлалари, илм-фан арбоблари, маданият ва санъат, адабиёт намояндалариидир.

\* \* \*

Бугун биз яшаётган жамиятга янги фикр, янги ғоя, энг муҳими, ислоҳотларни амалга оширишга қодир бўлган янги авлод кадрлари керак. Албатта, халқимизнинг мардона меҳнати, ўқитувчи ва мураббийларнинг жонбозлиги туфайли таълим соҳасини тубдан модернизация қилиш бўйича қўп иш қилдик. Лекин ҳаммамиз яхши тушунамизки, булар – катта мақсад йўлида ташланган дастлабки қадамлар, холос.

\* \* \*

Бугун мен, аввало, таълим-тарбия соҳаси фидойиларига, барча юртдошларимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман: азиз дўстлар, биродарлар, агар интилсак, астойдил ҳаракат қилсак, ҳар қандай баланд маррани эгаллаш қўлимиздан келади. Биз маърифат борасида, таъбир жоиз бўлса, “илиги тўқ” халқмиз. Илм-фанга интилиш бизнинг қонимизда, бугунги тил билан айтганда, генимизда бор.

\* \* \*

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш – беш-ўн ийлда бўладиган иш эмас. Бунинг учун, аввало, юзлаб, минглаб истеъдодли кадрлар, фидойи шахслар керак.

\* \* \*

“Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизлиқдир”.

\* \* \*

Чиндан ҳам, бугун биз улуғ ниятлар билан пойдевор қўяётган янги Ўйғониш даври мамлакатимизда мана шундай улкан бойлик яратишга, халқимизнинг ҳаётини фаровон қилишга ва келгуси авлодларга ўзимиздан муносиб мерос қолдиришга хизмат қиласи.

\* \* \*

Мен янги Ўзбекистонни – обод ва фаровон, демократик мамлакатни барпо этишда сиз, муҳтарарам педагогларни, профессор-ўқитувчиларни ўзим учун энг катта куч, таянч ва суюнч, деб биламан. Сизларниң ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган фаолиятингизни қўллаб-қувватлаш, сизлар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароити яратиб беришни Президент сифатида ўзимнинг муқаддас бурчим, деб хисоблайман.<sup>2</sup>

---

<sup>2</sup> <https://president.uz/uz> сайтидан олинди.

## ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР ҲАҚИДА ЁЗИЛГАН ҲИКМАТЛИ СҮЗЛАР

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф  
ўқитмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг  
ҳақин юз ганж ила.

*Алишер Навоий*

Мударрис керакки, ғарази мансаб бўлмаса ва билмас илмни айтишга уринмаса, манманлик учун дарс беришга ҳавас қўргазмаса ва олғирлик учун гап-сўз ва ғавғо юргизмаса, нодонлиқдан салласи катта ва печи узун бўлмаса, гердайиш учун мадраса айвони боши унга ўрин бўлмаса... Ярамасликлардан қўрқса ва нопоклиқдан қочса, наинки, ўзини олим билиб, неча нодонга турли хил фисқ ишларни мумкин, балки ҳалол қиласа, қилмас ишларни қилмоқ учун содир бўлса ва қилар ишларни қиласлик унга қоида ва одат бўлиб қолса. Бу мударрис эмасдир, ёмон одатни тарқатувчиидир.

*Алишер Навоий*

Ки ҳар ишники қилди одамизод,  
Тафаккур бирла билди одамизод.

*Алишер Навоий*

Илм ўқуб, қилмағон амал мақбул,  
Дона сочиб, қўтармади маҳсул.

*Алишер Навоий*

Ҳар қандай мушкул иш ақл әгалари туфайли ислоҳ қилинур.

*Алишер Навоий*

Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлур,  
Билим қайда бўлса, буюклик бўлур.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Икки турли киши ҳақиқий киши аталади, бири – ўргатувчи, бири ўрганувчи.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Жаҳонни қўлда тутиб туриш учун заковатли бўлиш керак, эл-халқни бошқариш учун ақлу идрок ва журъат керак.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Одамда заковат бўлса нафи каттадир, билим ўрганган кишилар азиз ва қадрли бўладилар.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Заковат қоронғи тундаги машъял кабидир, билим эса нур таратувчи ёруғлиkdir.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Умуман, ўқитувчининг иши, унинг қайси синфа ва нимадан дарс беришидан қатъи назар, ижодий бўлиши лозим. Акс ҳолда унинг сўзи қолипга айланиб, ўқитувчининг ўзи оддий косибга ўхшаб қолиши мумкин. Мактабда содир бўладиган кўп камчиликларнинг илдизи, уларнинг асосий манбаи ҳам мана шунда!

*Кори Ниёзий*

Жаҳонда бўлмаса муаллим агар,  
Ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар.

*Абдурраҳмон Жомий*

Устоз-муаллимсиз қолганда замон,  
Нодонлиқдан қаро бўларди замон.

*Абдурраҳмон Жомий*

Билим, маърифат яхши ахлоқ билан безанмоғи лозим.

*Абу Наср Форобий*

“Ўқитувчи ва раҳбарнинг вазифаси доно давлат раҳбари вазифасига ўқшайди, шу сабабли ўқитувчи эшигтган ва кўрганларининг барчасини эслаб қолиши, ақл-фаросатга, чиройли нутқга эга бўлиши, ўқувчиларга айтмоқчи бўлган фикрини тўла ва аниқ ифодалай олиши лозим. Шу билан бирга ўзи ор-номусини қадрлаш, адолатли бўлиши лозим. Ана шундагина у инсонийликнинг юксак даражасига эга бўлади ва баҳт чўққисига эришади”

*Абу Наср Форобий*

Назарий билимларни ё устозлар, ёки ҳикматлар ўргатадилар.

*Абу Наср Форобий*

Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса амалий иш, тажриба билан бўлади.

*Абу Наср Форобий*

Зеҳнлилик – бу бир-бирига зид келиб қолган турли фикрлар орасидан тўғрисини топа олиш, би-

рининг хатолигини кўрсатиб бера олиш, ноҳақини тўғрилаб мунозаралардан энг ҳақ фикрни кўрсата олиш қувватидир.

*Абу Наср Форобий*

“Ўқитувчи матонатли, ростгўй ва болани тарбиялаш методларини, ахлоқ қоидаларини яхши биладиган одам бўлмоғи керак. Ўқитувчи ўқувчининг бутун ички ва ташқи дунёсини ўрганиб, унинг ақл қатламларига кира олмоғи лозим”

*Абу Али ибн Сино*

Устоз нимаики айтса, шогирд уни жон дили билан эшитиши, чин кўнгил билан қабул қилиши ва олган билим ва малакасини амалда адо этиши керак.

*Хусайн Вонз Кошифий*

Илм даргоҳига кирап экансан, қалбингни кўнгилни оздирувчи иллатлардан, одамни кўр қилиб қўядиган ҳолатлардан, чунончи қотиб қолган урф-одатлардан, ҳирсадан, рақобатдан, очкўзликнинг қули бўлишдан, ўз ҳокимлиги учун курашишдан озод бўлмоғинг даркор.

*Абу Райҳон Беруний*

Таълим оловчи, агар у билан бир инсон ўртасида низо ёки хусумат пайдо бўлиб қолса, мулоимлик ва инсоф билан муомала қилиши лозим. У билан жоҳил кишининг орасида фарқ бўлиши керак.

*Абу Лайс Самарқандий*

Таълим оловчи бардавом дарс қилиши, шериклари билан ёки ёлғиз ўзи масалаларни такрорлаб туриши лозим.

*Абу Лайс Самарқандий*

Таълим олгувчи илмни ҳурмат қилиши керак,  
китобни ерга қўйиши, ифлос қўллар билан ушла-  
ши лойик эмас.

*Абу Лайс Самарқандий*

Гарчи, йўқ эди қувват аёқимда vale,  
Келдим бош ила олғоли таълим сенга.

*Оғаҳий*

Ҳеч қачон илм ўрганиш ишида узилиш юз бер-  
маслиги керак, негаки, бу катта йўқотишга олиб бо-  
ради.

*Бурҳониддин Маргиноний*

Дунёни билмакка идрокинг гаров,  
Зеҳн қўймоққа дили покинг гаров.  
Яхши иш қилмоқ учун йўқса ўқув,  
Санга лозимдур ўқув бирлан уқув.

*Анбар Отин*

Ҳаёт йўлида биринчи масала – мактаб масала-  
сидир.

*Фитрат*

Қандай буюк жавҳар берилгандир ва қандай  
дурдона билан безатилганки, у ҳам бўлса, сенинг  
ақлинг. У сени қутқара олади. Сенинг идрокинг  
сени ёмонликдан қайтара олади.

*Махмуд Замахшарий*

Авлодларингизга фақат бугуннинг эмас, келгу-  
си замоннинг илмини ўргатинг.

*Махмудхўжа Бекбудий*

Толиби илм ва толиби мол тўймас ҳарисдур.

*Маҳмудхўжа Беҳбудий*

Бақадар талаби илм бўлурсан, олам бўлгунча талаб бўлурсан.

*Маҳмудхўжа Беҳбудий*

Мактаб — дунё иморатларининг энг муқаддаси ва қадрисидир. Мактабнинг чин ва ҳақиқий маъносини билган миллатлар жонлари, моллари билан ҳиммат ва ғайратларини сарф этиб, миллатнинг тараққиий ривожига ижтиҳод қилурлар.

*Маҳмудхўжа Беҳбудий*

Таълим бериш менинг ишим эмас, деган қарашни мардона енгиб, бу йўлда биргаликда ижтиҳод, яъни жаҳд ва ғайрат қилиб ҳаракат қилсак, кўзлаган мақсадларимизга, албатта эришамиз.

*Маҳмудхўжа Беҳбудий*

Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатнинг тинчи ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир.

*Абдулла Авлоний*

Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир.

*Абдулла Авлоний*

Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир қилинуб келган, муаллимларнинг диққатларига суюлган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифадур.

*Абдулла Авлоний*

Ақл инсонларнинг пири комили, муршиди яго-  
насикур. Рух ишловчи, ақл бошловчиидир.

*Абдулла Авлоний*

Илму маърифат соҳиби бўлмак учун саъй ва  
ғайрат керак ўлдиги каби зеҳн ва идрокнинг ҳам са-  
ломат бўлмоғи шартдур.

*Абдулла Авлоний*

Сиздан бошланади асли тафаккур,  
Мунис муаллимлар, сизга ташаккур!

*Абдулла Орипов*

Шоирга дедилар:

– Сиз баҳтли инсон,

Халқингиз ардоқлар, ҳамма танийди.

Шоир жавоб қилди:

– Менда бир армон:

Муаллим десалар мени қанийди!

*Абдулла Орипов*

Ўқитувчи фазилатининг мукаммалигини ўз  
мутахассислигига нисбатан ижобий муносабатда  
бўлиши билан бир вақтда таълим жараёнида ўз  
касбини севиши ва билим олувчини яхши кўри-  
ши меҳнат самарадорлигига эришишнинг асосий  
омилларидан бири эканлигини эътироф этган.

*Л.Н.Толстой*

Ўқитувчининг касбий фазилатига педагог саҳ-  
надаги актёрдек ижобий роль ўйнашни, ҳар бир  
ҳаракати, юриш-туриши, кийиниши болаларни  
тарбиялаши кераклигини айтади. Унинг таълим

бериш тизими 1930–80 йиллар оралиғида құлланылған бўлиб, унда жамоавий манфаатларни ўзинда сингдирган инсонни тарбиялаш мақсади ётган Эди.

*А.С.Макаренко*

Жамиятда ўқитувчи ёшларни тарбиялаш орқали ижтимоий қадриятларни уларга етказиши учун қайғуриши кераклигини айтади. Дюргейм мактабларда ўтказган тадқиқотларида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳуқуқлари ва бурчларини ҳимоя қилиш кераклиги тўғрисида айтиб ўтади.

*Эмиль Дюргейм*

Чинакам шогирд бор нарсалар негизида мавхум нарсалар ривожини ўрганади ва шу йўл билан устозига яқинлашиб боради.

*И.Гёте*

Ўқитувчининг бутун фикри ўқувчиларида, ўзи сочган уруғларнинг ўсишидадир.

*Д.Менделеев*

Ҳар қандай таълим ва тарбияда энг асосий омил – муаллим, унинг тафаккур дунёсидир.

*А.Дистервег*

Устоз – шогирд ўргасида беғараз, самимий муносабат бўлиши керак. Устозлар шогирдларини “фарзанд”, “асҳоб” (сухбатдош), “ахрон” (фикрдош) деб атаган.

Устоз шогирдини маънавий тарбиялашда психологик таъсир усусларидан унумли фойдала-

ниши зарурдир. Бунда ишонтириш ва ўз-ўзини кузатиш воситасида шогирдаш фикрлаш малакаси ҳосил бўлади. Устоз ва ўзгалар олдида шогирд қатъий одоб-ахлоққа риоя қилиши шарт. Натижада уларнинг бирортасидан эл нолимаган, аксинча, улар билан фахрланадиган бўлиши аниқ.

Устоз ўз шогирдини мақсадли тарбиялаб, у вояга етгач мустақил фаолият кўрсатиш учун дарҳол ижозат бериши.

Устозлар тарбиясига каттаю кичик, ижтимоий табақаси ва мавқеидан қатъи назар – барчанинг келиши айни муддао ҳисобланишини – эътироф этган.

*Сураймон Бокирғоний*

Устоз, зеҳним кун сайин пасайиб, хотирам сустлашиб кетаётганини сезяпман. Бунинг олдини олиш учун нима қилай?

– Гуноҳ ва хато қилишдан тийилгин.

*И мом Шофиъий*

Илмнинг аввали сукут, сўнг эшлиши, сўнг ёд олиш, сўнг амал қилиш, сўнг уни тарқатишдир.

*И мом Газзолий*

Қийинчилик ақлнинг чархи-ю ғайратнинг қайроғи бўлар экан.

*Абдулла Қаҳҳор*

Ишга яраб қолса илминг бир муддат,  
Яна оширмоққа айлагил шиддат.

*Мирзо Улугбек*

Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай.  
И мом ал-Бухорий

Тарбия уч нарсага эҳтиёж сезади: истеъоддага,  
илмга, машққа.

*Арасту*

Иzzат-хурмат ота ва онани, шунингдек, болаларни ҳам қўриқлаб турувчи посбондир: у ота-онани кулфат ва ғамдан, болаларни эса виждан азобидан қутқаради.

*О.Балъзак*

Тарбия – буюк иш: тарбия билан инсон қисмати ҳал этилади

*В.Белинский*

Ўқиши – тарбия деб аталувчи гулнинг фақат биргина гулбарги, холос.

*В.Сухомлинский*

Ўқитиш икки баробар ўқиши демакдир.

*Ж.Жубер*

Инсон тарбиясининг бош йўли ишончдир.

*К.Ушинский*

Инсон учун нондан сўнг энг муҳими мактаб.

*Ж.Дантон*

Ўз шогирдларида меҳнатдан завқланиш ҳиссими уйфота билган муаллим шарафга лойик.

*Е.Хаббард*

Фақат бир әзгулик бор – билим ва фақат бир ёмонлик бор – жаҳолат.

*Сүкрот*

Қоблиятли одамни тарбия қилмаслик – зулмкорлик ва ноқобил одамга тарбия хайфдир. Тарбиянгни аяб, уни нобуд қилма, тарбиянгни бунисига зое кетказма.<sup>3</sup>

*Аз-Замахшарий*

---

<sup>3</sup> <https://ziyouz.uz/hikmatlar>

## ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР ҲАҚИДА ЁЗИЛГАН ШЕЪРЛАР

### УСТОЗ

Соҳибқирон ётар устоз пойида,  
Жомийни пир тутган Навоий ҳазрат.  
Устоз буюк деган буюк қоида  
Бу қайтар дунёда азалий ҳикмат.

Афлотунга шогирд эди Арасту,  
Ул шогирдга шогирд бўлди Искандар.  
Бу олтин силсила давоми мангур,  
Ўзи устоз бўлар устоз кўрганлар.

Борми мураббийдан баҳтироқ инсон,  
Шогирдлари қилса юксакка парвоз.  
Бошимизга тожсиз, бор бўлинг омон,  
Табарруклар ичра табаррук устоз!

**Эркин ВОХИДОВ,**  
*Ўзбекистон халқ шоири*

## УСТОЗ

Сизнинг таълимингиз олмаган ким бор  
Сиз-ку юракларда илк зиё ёқсан.  
Олимми, шоирми ва ё санъаткор,  
Илк бор сизга томон устоз деб боқсан

Битта ҳарф дардида риёзат чекиб,  
Оқибат кўкка ҳам чиқолган инсон.  
Не ажаб сизларни баҳтиёр этиб,  
Ўрнидан даст туриб, бош эгса шу он.

Буюк Алишербек лутф этган мисол,  
Савод ўргатдингиз қанча ранж билан.  
Қоплаб бўлармикан бу қарзни алҳол,  
Узиб бўлармикан юзта ганж билан.

## **МУАЛЛИМЛАРГА**

Нечоғ бахтиёрман, таъзимда шу тоб,  
Сизнинг шаъннингизга битмоқдаман байт.  
Не одам бўлардим, қўлимда китоб  
Бирор ҳарф танимай турсайдим лоқайд.

Сиз-ку “Алифбо”дан “Қомус”гача то  
Бари-барисини танитган устоз.  
Илк бор Сиз кўрсатган дурахшон Зухро,  
Бу кун шеърим ичра ташбиҳдир мумтоз.

Сиз мўъжаз юракда ёқолган ёғду,  
Оқибат қуёшдек соча олур нур.  
Буюклар ҳаққига қасамёд гап бу:  
Сиздан бошланади асли Тафаккур.

Оlamда кўп эрур муборак онлар,  
Табаррук зотлар ҳам гарчанд кўп эрур.  
Сизгадир илк раҳмат, азиз инсонлар,  
Мунис муаллимлар, Сизга ташаккур!

## **МУАЛЛИМ**

Муаллим ҳақида сўзим ушбудир,  
Муаллим – камолот ичра кўзгудир.

Ўқидим Геродот тарихин қўп бор,  
Навоий, Дантели такрор ва такрор.

Барини ўқидим, лол қолди ақлим:  
Барига устозсан ўзинг, муаллим!

Алишер қалбига солган сеҳр-файз  
Сенсан, эй муаллим, устоз Абул-Лайс.

Қутлуғ хонадонда қутлуғ калом бу,  
Ҳамид Олимжон бу, Ғафур Ғулом бу.

Буюк Темур сендан топгандир таълим,  
Сен шундоқ азиз зот, азиз муаллим.

Рост айтсам, ўзингсан энг аввал даҳо,  
Сен ҳаёт ганжида дурри бебаҳо.

Улуғ айёмингда шеърий калом бу,  
Шогирдлар номидан қутлуғ салом бу!

## УСТОДИ АВВАЛ

Нега шеър ёзмайин юрақдан ёниб,  
Нега таъзим этмай сизга бу маҳал.  
Нега хизматингиз қилмай қувониб  
Эй азиз муаллим, устоди аввал.

Сизнинг таълимингиз олмаган ким бор,  
Сиз-ку юракларда илк зиё ёқсан.  
Олимми, шоирми ва ё санъаткор –  
Илк бор сизга томон устоз деб боқсан.

Митти гўдак чоғидан то умр бўйи  
Сизнинг чеҳрангизга мамнун боқамиз.  
Сизгадир юракнинг жарангдор куиि,  
Оқил Шарафиддин, машхур отамиз.

Битта ҳарф дардида риёзат чекиб,  
Оқибат қўкка ҳам чиқолган инсон.  
Не ажаб сизларни баҳтиёр этиб,  
Ўрнидан даст туриб, бош эгса шу он.

Ёлғиз фарзандимиз қолса тумовлаб,  
Тушамиз ваҳима, васвасасига,  
Сиз-чи, дош берасиз неча ўн йиллаб  
Минглаб митти зотнинг машмашасига.

Буюк Алишербек лутф этган мисол,  
Савод ўргатдингиз қанча ранж билан.

Қоплаб бўлармикан бу қарзни алҳол,  
Узиб бўлармикан юзта ганж билан.

Шафқат ҳам, меҳр ҳам қалбингизда бут,  
На ранжу, на ҳориш, оху волалар.  
Сизнинг қаршингизда сақлайди сукут  
Олтмишга кирса ҳам шогирд болалар.

Дилда зиё борки умр сарафroz,  
Майли, у ҳамиша баҳт билан тўлсин.  
Эй, азиз муаллим, эй, азиз устоз,  
Буқун байрамингиз муборак бўлсин.

**Абдулла ОРИПОВ,**  
*Ўзбекистон халқ шоири*

## УСТОЗ БҮЛМАСА

Жаҳон ободлиги устоз биландир,  
Дилда қарор бўлмас, устоз бўлмаса.  
Камолот, қушуфот устоз биландир,  
Ишда барор бўлмас, устоз бўлмаса.

Йўқдан олим бўлди отамиз Одам,  
Ҳақдан таълим олди Сарвари олам,  
Сабаб оламинда бул куни бекам  
Илму анвор бўлмас, устоз бўлмаса.

Ҳар йўл, ҳар соҳанинг бир пири бўлур,  
Эҳтиром дил аҳлин тадбири бўлур,  
Ҳар ишда устознинг бир сири бўлур,  
Кашфи асрор бўлмас, устоз бўлмаса.

Ҳикмат кўп илму фан касбу корида,  
Деҳқон кетмонида, дорбоз дорида,  
Ошпазнинг бир сири – гармдорида,  
Шогирд хушёр бўлмас, устоз бўлмаса.

Устоз қадрин билур ҳар қалби салим,  
Ҳаёт дарсларидан бергайдир таълим,  
Диллар ардоғида – азиз муаллим,  
Кимса сардор бўлмас, устоз бўлмаса.

Маърифат, иқтисод, санъат турлари,  
Осмон эшиклари, ер унсурлари,

Устоз-ла очилгай Қуръон сирлари,  
Ҳадис ошкор бўлмас, устоз бўлмаса.

Пуштли, устозлидир ҳар бир синиқчи,  
Беустоз муҳандис – оддий чизиқчи,  
Устозсиз очилмас ҳатто қизиқчи,  
Сухан тагдор бўлмас, устоз бўлмаса.

Ўзи ўсган дараҳт мева бермагай,  
Сурчи ўз тўйида сурнай чалмагай,  
Сартарош ўз сочин ўзи қирмагай,  
Уста саркор бўлмас, устоз бўлмаса.

Устоз кўрган зотлар ишга омилдир,  
Заковат аҳлига бу сўз шомилдир,  
Устознинг авлоси пири комилдир,  
Дилда баҳор бўлмас, устоз бўлмаса.

Мирзо, ҳар кўнгилда ният бор бўлсин,  
Ватан обод, эл ҳам баҳтиёр бўлсин,  
Покдил устозларга Тангри ёр бўлсин,  
Ҳаёт гулзор бўлмас, устоз бўлмаса.

**Мирзо КЕНЖАБЕК,**  
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлиар  
мураббийси*

## УСТОЗЛИК ҲАҚИДА

Бахтингдир устознинг қўлини олсанг,  
Лекин устозни ҳам танлаб ололсанг.  
Устознинг қиммати менимча шулким –  
Узоқми-яқинми уни туёлсанг.

Майлига, орангиз бўлса-ю йироқ,  
У сенга ҳар куни бермаса сабоқ,  
Лекин унинг исмин эшитганинг чоқ,  
Юракда орзиқиш ҳис эта олсанг.

Гарчи ойлаб, йиллаб сени кўрмасин,  
Пешонангни силаб, ҳолинг сўрмасин,  
Йўл-йўриқ кўрсатиб, тергаб турмасин –  
Бас, унинг нигоҳин сезиб туролсанг.

Устоз, дейилганда нима кўринар?  
Мукаммал инсону мукаммал ҳунар.  
Унга, ҳунарига дуч келганда гар,  
Ўзинг ҳунарингдан бир оз ўёлсанг.

Устозлар турлидир – рўйи, шахсият:  
Кимда шакл бор-у, кимда моҳият.  
Сенга ният бўлса ундаги ният,  
Устозга муносиб шогирд бўлолсанг...

Рауф ПАРФИ,  
Ўзбекистон ҳалқ шоири

## ОДДИЙ МУАЛЛИМ

Қадри билинади энди менга гоҳ,  
Оддий мактабимнинг ўша беҳашам,  
Навоий-қу бизга устоздир бироқ,  
Кимдир ўқиттган-қу Алишерни ҳам,  
Шундай буюк зотга ҳарф ўргатган ким?  
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

Тупроқдай хокисор безовта жонлар,  
Аммо қаноатда тоғдек улуғвор.  
Ҳатто Темурдайин соҳибқиронлар,  
Пирим деб этагин тутган зотлар бор.  
Қайсар жаҳонгирга йўл кўрсатган ким,  
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

Аяган ҳаётнинг санчиқларидан,  
Йиқилса кўтарган тўсиқларидан,  
Отадек эзилган ғуссага ботса,  
Боладек қувонган ютуқларидан.  
Уйқуда шогирдин ўйлаб ётган ким?  
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

Йўқдан Берунийни бинолар қилган,  
Хусайнни ибн Синолар қилган,  
Машрабни машҳур-у дунёлар қилган.  
Абдуллонинг тилин бурролар қилган,  
Илон ўйнаттандек сўз ўйнаттан ким?  
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

Улфат кўп-у аммо бир дўсти ҳамроҳ –  
Ҳалим тополмадим ундан ҳалимроқ.  
Қанча устоз кўрдим, қанча олийгоҳ,  
Олим тополмадим ундан олимроқ.  
Бола юрагимда бебаҳо тилсим –  
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

Юзга кираман мен Ҳудо хоҳласа,  
Эҳтимол юздан ҳам ўтарман бир кун.  
Қайноқ қучоғида ҳурлар чорласа,  
Ҳеч кимдан қарзим йўқ кетарман бир кун.  
Бўлса ҳам, бир зотда бўлади қарзим,  
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

**Муҳаммад ЮСУФ,**  
*Ўзбекистон ҳалқ шоюри*

## ТҮҮРИ ЧИЗИҚ

Болаликни қўмсаб кезаман тунда,  
Юлдузлар нурига беланаар хаёл.  
Кулиб келаверар қаршимдан шунда  
Мунаввар бир аёл, дилбар бир аёл.

У – Сиз...  
Хотиралар аста жонланар:  
Синф. Бўёқ ҳиди. Ўттиз полапон.  
Бу – мен. Мехрибон қўл бошимни силар:  
“Чизиқдан чиқмасдан ёзинг, Иқболжон!”

Опа, хотирадир у кунлар, опа,  
Опа, у кунларга бугун интиқман.  
Бугун хатоларим қилмасми хафа,  
Чиқиб кетмадимми тўғри чизиқдан?!

Опа, қолиплардан зерикканман хўб,  
Дафтар чизигининг йўриги бошқа.  
Опа, бу дунёning чизиқлари кўп,  
Лекин ҳаммаси ҳам элтмас Қуёшга.

Мехрингиз соғиниб кезаман тунда,  
Чироқлар нурига беланаар хаёл.  
Кулиб келаверар қаршимдан шунда  
Мунаввар бир аёл, дилбар бир аёл.

У – Сиз...

Эски сурат аста жонланар:

Синф. Китоб ҳиди. Ўттиз полапон.

Бу – мен. Мехрибон қўл бошимни силар:

“Чизиқдан чиқмасдан ёзинг, Иқболжон!”

**Иқбол МИРЗО,**  
*Ўзбекистон халқ шоури*

## УСТОЗЛАР

Мехр нури ёғар доим  
Кўзингиздан, устозлар.  
Юрсам дейман шу табаррук  
Изингиздан, устозлар.

Чин инсонлик китобига  
Бахт-у ҳикмат битибсиз,  
Одоб ила билим олдим –  
Сўзингиздан, устозлар.

Қалбингизни йўқ ғубори  
Меҳрибонсиз шунчалар,  
Қуёш олмиш ҳароратин  
Юзингиздан, устозлар.

Фан боғининг боғбонисиз,  
Чароғбонсиз кўнгилга,  
Минг эҳтиром ўғлингиздан,  
Қизингиздан, устозлар.

Жой олдингиз бир умрга  
Шогирд юрак тўридан,  
Мўмин ҳаёт дарсин ўқир  
Ўзингиздан, устозлар.

**Пўлат МўМИН**

## ҚУТЛАБ ҚҮЙИНГ

Умр ўтар гоҳо шодлик, гоҳ ғам билан,  
Ҳаёт гўзал турмушдаги кўст, кам билан,  
Муаллимлар қадр топган қундир бугун,  
Устозларни қутлаб қўйинг байрам билан.

Айтинг дўстлар баҳт қаерда сотилади,  
Қадр-қиммат меҳнат билан топилади,  
Бугун байрам ғам дафтари ёпилади,  
Устозларни қутлаб қўйинг байрам билан.

Ватан барча ўғлинг яхши, қизинг яхши,  
Ҳалол ризқинг, берган ҳалол тузинг яхши,  
Байрамга бой баҳор, ёзу, қузинг яхши,  
Устозларни қутлаб қўйинг байрам билан.

Ўтди қанча суронларда синмади у,  
Ноҳақлигу, рўёларга кўнмади у,  
Халқим дея, юртим дея тинмади у,  
Устозларни қутлаб қўйинг байрам билан.

Устозим деб Навоийлар битган ғазал,  
Устоз азиз, устоз улуғ – нақлу азал,  
Шогирдларин фарзандидек суйган ўшал,  
Устозларни қутлаб қўйинг байрам билан.

Яратганинг марҳамати улуғ инъом,  
Яшайверар устоз деган мўътабар ном,

Совғаларнинг энг афзали ширин калом,  
Устозларни қутлаб қўйинг байрам билан.

Дунё асли кенгларга кенг, торларга тор,  
Бу қунларга етганлар бор, етмаган бор,  
Мехри дарё, қалби тоғлардек улуғвор,  
Устозларни қутлаб қўйинг байрам билан.

**Хуршид КАРИМ**

## УСТОЗУ МУРАББИЙЛАР

Сиз ғоят улуғ зотсиз, устозу мураббийлар,  
Илм аҳлига нажотсиз, устозу мураббийлар.

Қўҳна дунёдан азал муаллим деб аталган,  
Афлотуну Сукротсиз, устозу мураббийлар.

Бизга илк бора она, Ватан сўзин ўргатган,  
Соҳиби камолотсиз, устозу мураббийлар.

Дил мулкида устозинг – бошингда тож, дейдилар,  
Бошлигарга тож устодсиз, устозу мураббийлар.

Орзулар осмонида шодон учдик сиз билан,  
Бизга учқур қанотсиз, устозу мураббийлар.

Сиз бизга берган таълим, одоб учун минг таъзим,  
Шогирд баҳтидан шодсиз, устозу мураббийлар.

Баҳтимизга ҳамиша омон бўлинг, бор бўлинг,  
Эъзозда умрбод сиз, устозу мураббийлар.

Умрингиз чин ҳикматдир, Зикриллога ибратдир,  
Сўнмас шеъру баётсиз, устозу мураббийлар.

Зикрилла НЕЪМАТ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

## УСТОЗ

Мундоқ ўйлаб қарасам,  
Сизга битмабман ҳеч шеър.  
Қалам ҳаққига қасам,  
Сизсиз забун эди Ер.

Не бўлғай ҳоли, маълум,  
Хатсиз йўли хатодир.  
Дунёда илк муаллим,  
Шаксиз, Одам Атодир.

Кўқдан имон гавҳари  
Заминга тушмиш бот-бот.  
Пайғамбарларнинг бари  
Эди ҳазрати Устод.

“Ўқи!” дея авомга  
Улашмиш инжу сирлар.  
Йўллаб буюк довонга,  
Шамчироғ тутмиш пирлар.

Борлик – зулмат, қоронғу,  
Чимматга чўмган чоғда.  
Ёниб юлдуз қароги –  
Гўё чўғдай ўчоғда...

Оlamга маёқ бўлиб,  
Ловуллаб порлагансиз.

Күз, қўлу оёқ бўлиб,  
Нур сари чорлагансиз.

Сиз – Беруний,  
Сиз – Сино,  
Сиз – Фаробий, Улувбек.  
Оқ қофоздек пок сиймо,  
Сеҳрингизга йўқдир чек.

Янчиб Ҳаққа ёт ишни,  
Оlamга солмиш сурон –  
Пойингизда ётишни  
Бахт билмиш Соҳибқирон!

Ҳали-ҳануз бу – ибрат,  
Абадий тузук каби.  
Бахш этар ғуурур, ҳикмат –  
Темурбеклар мактаби.

Мен ҳам – бир илми толиб,  
Ҳали чала дарсим кўп.  
Қандай кетайин тониб,  
Олдингизда қарзим кўп.

Гарчи “Қўйгили, бу не гап,  
Эгма бошинг ҳеч...” дейсиз.  
Хом, ғўр шеърларим тинглаб,  
Балли, баҳонг “беш”, дейсиз.

Машқим ўзимга маълум,  
Тансиқдир тоза ташбех.  
Мехри дарё муаллим,  
Чалғисам, беринг танбех.

Енгингизга юққан оқ –  
Бўрмас, кўнглингиз юқи.  
Зиммангизда улкан тоғ –  
Ёруғ келажак юки.

Мен ҳам сиз-ла ёнма-ён  
Шу юкни кўтарсайдим.  
Олдда – буюк имтиҳон,  
О, ундан ўтолсайдим!

Балки шунда салгина  
Бўлгайми юзим ёруғ.  
Ўзимдан қилмай гина,  
Олсам мақтовли ёрлиғ...

Сиз-чи, кутмайсиз олқиши,  
Сизга илинж, тамаъ ёт.  
Ўқиб-ёзиб толиқиши –  
Сизга кундалик ҳаёт.

Даста-даста дафтарга  
Сочасиз кўз нурини,  
Синф-синф сафларга  
Сарф этиб бор умрни...

Шогирдлар қалбига, оҳ,  
Секин сингиб боряпсиз.  
Иқболидан шодон, гоҳ  
Жим хўрсишиб боряпсиз.

Толманг!  
Фидойи Устоз,  
Сизга тиргак шу Ватан.

Қанча таъзим қилсак – оз,  
Қанча алқасак-да кам.

Гарчи кўнглимда сўз мўл,  
Гарчи битмас ҳеч таъриф.  
Лекин бошқалар ҳам қўл  
Силкияпти кўтариб...

Дунё – кенг сабоқхона,  
Дунё – ранг-баранг мактаб.  
Қутларкан, шу баҳона  
Юртимни қўяй мақтаб.

Тасдиқлайди тўрт томон,  
Дарси оламга ёддир:  
Донишманд Ўзбекистон –  
Маърифатда Устоддир!

**Нодир ЖОНУЗОҚ**

## УСТОЗЛАРГА

Намоён бўлмоқ-чун бу ҳаёт ичра  
Туғилмоқнинг ўзи қилмас кифоя.  
Билмоқ-чун, кўрмоқ-чун, англамоқ учун  
Онгу шууринг ҳам истаркан доя.

Оlam менга сирин очаркан бир-бир,  
Қайсин сокин кутдим, қайсин энтикиб.  
Чор тарафда бағрин очиб, мунтазир  
Атрофимда минт йўл турар кўз тикиб.

Рўйин қўрсатгайдир бу кўхна олам,  
Минг йўл кўз-кўз айлар мингта жилони.  
Билмасман, қайсида баҳт қутар бекам,  
Қай кўча зулматга бўяр дунёни.

Шунда онгим ичра нур сочар бир шам,  
Нурким, чизганимга қўя бошлар от.  
Илк бор қўлларимга тутиб хат, қалам,  
Қадамим ёритгай мўътабар бир зот.

Энди дафтаримга тушар бу очун,  
Мазмун кира бошлар ҳар бир ёшимга,  
Яна ҳаёт сатрин англатмоқ учун  
Ўшал табарруқ зот келди қошимга.

Англай бошладим ҳам, энди кўрмоқ-чун  
Кўзларимга зиё қуиди ўшал зот.

Менга онамдайин меҳр берди чин,  
Мени отамдайин сүйди ўшал зот.

Хўш, ул зот ким эди – нур тутган ҳар гал?  
Ким у қуёш қадар қадри осмоним?  
Ота-онам берган ҳаётта тугал  
Мазмун олиб кирган меҳри уммоним?

Камолимни қўрса, мендай суюнган,  
Қоқилсам, отамдай куйган ким эди?  
О, ҳар одимимда зиё илинган –  
Устозим эди у, Муаллим эди!

О, сиз азиз устоз, зулматни тутиб  
Ложувард тонгларга элтганларимсиз.  
Дунёнинг минг турфа рангин қўрсатиб,  
Кўзимни мунааввар этганларимсиз!

Отамдан келганим – бобомдан мерос –  
Миллатни, Ватанни англатганларим!  
Қалбимда Ўзимга, Ўзлигимга хос  
Шуурни, ғуурни яратганларим!

Камтарларим менинг, ҳокисорларим,  
Сиз берган қанот-ла учарман кўкка.  
Устозим, муаллим сиймосида чин  
Таъзим айлагайман мен буюкликка!<sup>4</sup>

*Шаҳло АҲРОРОВА*

---

<sup>4</sup> Шеърий тўпламлардан олинди.

## **1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ТАДБИР СЦЕНАРИЯСИ**

**Ўтказилиш жойи:** Ташкилот биноси

**Ўтказилиш санаси ва вақти:** 2022 йил \_\_\_сен-  
тябрь соат\_\_\_

Тадбирни ташкилий тақсимот режаси 7 кун ав-  
вал тузилади. Тадбир ўтказиш белгиланган бино  
олди гуллар, устозларнинг суратлари ва бошقا  
хуш кайфият берувчи лавҳалар, баннерлар дид билан  
безатилган. Ташириф буюрган меҳмонлар яхши  
кайфият билан кутиб олинади. Меҳмон сифати-  
да ёши улуғ, ташкилотда ишлаб нафақага чиққан  
устозлар ҳам таклиф этилади.

### **1-бошловчи:**

Соҳибқирон ётар устоз пойида,  
Жомийни пир тутган Навоий ҳазрат.  
Устоз буюк деган буюк қоида  
Бу қайтар дунёда азалий хикмат.

### **2-бошловчи:**

Борми мураббийдан баҳтироқ инсон,  
Шогирдлари қилса юксакка парвозд.  
Бошимизга тожсиз, бор бўлинг омон,  
Табарруклар ичра табаррук устоз!

### **1-бошловчи:**

Ассалому алайкум, азиз устозлар!

### **2-бошловчи:**

Ассалому алайкум, хурматли меҳмонлар!

Биз учун қадрли бўлган, орзу ва иштиёқ билан ўзларидан олам-олам зиё таратиб ўтирган меҳри дарё мураббий-устозлар!

### **1-бошловчи:**

Бугун ушбу 1 октябрни – **Ўқитувчи ва мураббийлар куни** қутлуғ айёмни кенг нишонлар эканмиз, биринчи навбатда, ҳаёт йўлимизни кўрсатган ота-онамиз, ҳарф ўргатган қадрдан мактабимиз, бизга, эзгуликдан сабоқ берган меҳрибон устозларимиз сиймоси кўз олдимизда намоён бўлади. Биз учун ибрат намунаси, юксак инсоний фазилатлар тимсоли бўлган сизлар каби азиз ва мўътабар зотлар шаънига энг гўзал сўзлар, эзгу тилакларимизни изҳор этамиз. Барчангизга таъзимдамиз.

### **1-Бошловчи:**

Табрик учун сўз, \_\_\_\_\_га  
(Ташкилот раҳбари сўзга чиқиб, устозларни эътироф этиб, табригини изҳор этади)

### **2-бошловчи:**

Сиз, азизларнинг ана шу эзгу мақсадларга эришиш, инсон ҳар томонлама Эркин ва Фаровон яшайдиган янги Ўзбекистон давлатини барпо этиш, жонажон Ватанимизни янада тараққий эттиришга қаратилган оғир ва машаққатли, шу билан бирга, гоят шарафли меҳнатингизни муносиб қадрлаш учун биз ёшлиар бор куч ва билимларимизни сарф этишга тайёрмиз.

### **1-бошловчи:**

Сизнинг таълимингиз олмаган ким бор  
Сиз-ку юракларда илк зиё ёқсан.  
Олимми, шоирми ва ё санъаткор,  
Илк бор сизга томон устоз деб боқсан

## **2-бошловчи:**

Буюк Алишербек лутф этган мисол,  
Савод ўргатдингиз қанча ранж билан.  
Қоплаб бўлармикан бу қарзни алҳол,  
Узиб бўлармикан юзта ганж билан.

## **1-бошловчи:**

Сиз азизларга дилимиздан қуйилаётган эҳти-  
ромимизни гўзал қўшиқлар билан изҳор қиласиз.  
Марҳамат!

*(Санъаткорлар устозлар ҳақида қўшиқ айтади)*

## **2-бошловчи:**

Устозлар ҳақида сўз юритар эканмиз, доимо  
Искандар Зулқарнайн тўғрисидаги ҳикоя ёдимиз-  
га тушади. У ишғол қилган юртининг тахтига би-  
ринчи бўлиб устозини ўтказар экан. Бир куни ун-  
дан: “Нима учун бундай қиласиз?” деб сўрашган-  
да: “Ота-онам туғилишимга, устозим эса юксали-  
шимга сабабчи бўлганлар”, деган экан.

Пошшахўжа ҳам устозларнинг меҳнатисиз ҳеч  
ким юксала олмаслигини айтиб, Искандарнинг ўз  
устозига бўлган хурматини келтириб ўтган:

Ҳеч ким устозсиз топмас жаҳонда иззу жоҳ,  
Нечаким ҳашмат била Искандари даврон эрур.

Ҳа, азизлар, биз эришган ҳар бир ютуқда устоз-  
ларимизнинг ҳиссалари бор. Сизларнинг на-  
сиҳатингиз, берган илмингиз сабаб биз шундай  
ютуқларга эришиб келяпмиз. Сизларга чексиз хур-  
матимизни изҳор этишда давом этамиз. Навбатни  
яна гўзал қуй-қўшиқларга берамиз.

*(Санъаткорлар Ватан, муҳаббат ҳақида қўшиқлар  
айтади)*

## **2-бошловчи:**

Устозларни улуғлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидан-дир. Бугун устозларнинг касб байрамлари арафа-сида ёшлиаримизни ватанга муҳаббат, садоқат, мил-лий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаётган, устозлик касбида ҳалол ва самара-ли иш олиб бораётган илғор мураббийлар Ватани-мизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланиш-лари ҳам бунинг амалдаги тасдиғидир.

Навбатдаги сўзни ана шундай устозларимиздан бири ----- (ташкилотда фаолият олиб борган фахрийлар ва тадбирга ташриф буюрган устозлардан аввалдан аниқлаб олинади) га берамиз.

## **1-бошловчи:**

Устоз ва мураббийлар жамият биносининг бино-корлари, онгу тафаккур муҳандислари ва маърифат боғининг боғбонлариидир. Устоз ва муаллим ҳаёт бў-стонидаги ниҳолнинг бақувват дарахтга айланиши учун бекиёс меҳнат қиласи. Шунинг учун ҳам унинг шогирд устидаги ҳаққи бениҳоя катта ва улуғдир. Устоз шогирдини ўз фарзандидек кўради. Балки унга фарзандига кўрсатмаган таважжух билан юзла-нади. Унинг юпун ва совуқ бўлган маънавий олами-ни ўзининг қалб кўзи билан иситади. Зимистон дунё-сини илм қуёшининг мўъжизакор зиёси билан му-наввар этади. Сабр ва меҳр билан парваришлайди.

Энди навбатни тадбirimiz меҳмони ----- га бе-рамиз. Марҳамат!

(Табриқдан сўнг, агар актёр ёки актриса, шоир ва ёзувчилар тадбирга таклиф этилган бўлса, улар билан келишиб, сўз навбати берилади)

### **1-бошловчи:**

Азиз устозларга хурмат ва эҳтиром  
Дейдилар, дунёда асли ким Азиз,  
Айтдилар устоздир, устоз бегумон,  
Тағин айтдиларки, Азиз шубҳасиз,  
Устозлар қадрига етолган инсон.

### **2-бошловчи:**

Фарзандларимизни, миллат келажагини одамий-  
ликка тайёрлаётган, минг турфа машаққатларни  
шогирдларининг камолини кўриш истагида жавлон  
ураётган устоз ва мураббийларимиз бор бўлсин!

Байрам баҳона азиз устозларимизни зиёрат  
қилиб, дуоларини олишни унутмайлик, азизлар.  
Уларнинг заҳматли меҳнатлари сабаб шу даражага  
етганимиз чин.

Ҳаммамиз ҳар доим бош эгиб, таъзим қиласиди-  
ган, эҳтиром кўрсатадиган устоз ва мураббийлар-  
га бугунги иштирокингиз, илтифот ва эътиборин-  
гиз учун ташаккур билдирамиз, баҳтимизга доим  
соғ-саломат бўлинглар, азиз устозлар!

### **1-бошловчи:**

Шунинг билан тадбиримиз ўз якунига етди,  
барчангизга байрам муборак бўлсин!

### **Тадбир якунланади**

Хурматли тарғиботчилар! Бизнинг электрон  
услубий қўлланмамидан фойдаланганингиз учун  
Сизга раҳмат.

Сизга ҳамма ҳавас қиласидиган фазилатли йи-  
гит-қизларга ўқитувчи ва мураббийлик қилиш баҳ-  
тини тилаб қоламиз.

*Илмий-оммабон нашр*

**1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунида  
ўтказиладиган маънавий-маърифий  
тадбирлар учун**

**ЭЛЕКТРОН УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Муҳаррир Ҳабиб Абдиев  
Бадиий муҳаррир Дилмурод Жалилов  
Саҳифаловчи Ҳилола Шарипова  
Мусаҳҳих, Адолат Мустафоева

Нашр. лицензияси № AI 290. 04.11.2016 йил.  
2022 йил 20 сентябрда босишга рухсат этилди.  
Бичими 84x108 <sup>1/32</sup>. “Palatino Linotype” гарнитураси.  
Офсет босма. 0,5 шартли босма табоқ. 0,6 нашр табоғи.  
Адади 1000 нұхса.  
75-рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа  
ижодий уйида чоп этилди.  
100128, Тошкент, Лабзак күчаси, 86.  
Телефон: (371) 241-25-24, 241-83-29  
Факс: (371) 241-82-69

*www.gglit.uz e-mail: info@gglit.uz*



ISBN 978-9943-7009-6-3

9 789943 700963